БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (791)

2 МАРТ ШАНБА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Эртага якшанба—маҳаллий Советларга сайлов куни.
ҲАММА САЙЛОВГА!

Совет рассомларининг Бутуниттифоқ съездига КПСС Марказий Комитетининг табриги

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети совет рассомлари Бутуниттифоқ биринчи Съездининг делегатларини ва улар орқали Совет Иттифоқидаги барча рассомларни табриклайди.

Санъат арбобларининг, совет рассомларининг ижодий меҳнати коммунистик жамият қураётган совет кишиларининг умумий ижодий меҳнатида фахрли ўрин тутади. Чинакам халқ санъати, реалистик санъатга юксак баҳо берувчи Коммунистик партия уни совет кишиларининг маданий ўсишига, меҳнаткашларни коммунизм идеялари руҳида тарбиялашга ёрдам берувчи катта куч деб ҳисоблайди.

Бу йил 40 йиллиги нишонланадиган Улуғ Октябрь социалистик революцияси мамлакатимиз халқларини сиёсий ҳуқуқсизлик ва эксплуатациядан озод қилди, янги жамият қуришга қаратилган ижодий кучларни мислсиз юксалтирди. Коммунистик партия раҳбарлигидаги совет халқи беҳад оғир мусибатлар ва катта қурбонлар эвазига меҳнаткашларнинг дунёда биринчи социалистик Ватанини душманларнинг ҳамма ҳамлаларидан сақлаб қолди, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини социалистик асосларда қайта қуришда буюк ишларни амалга оширди ва қудратли совет давлатини тузди. Социалистик революция тарихи — совет кишилари маънавий бойлигининг, уларнинг онглилиги ва маданиятининг юксалиш тарихи ҳамдир.

Совет рассомлари халқнинг босиб ўтган тарихий йўлини, халқ кўрсатган қаҳрамонликларнинг улуғворлигини акс эттирган кўпгина ёрқин ва талантли асарлар яратдилар. Социализм мамлакатининг тасвирий санъати ҳозирги замоннинг энг илғор идеялари— коммунизм идеялари билан илҳомланмоқда. Меҳнаткашларнинг бахт-саодати учун, эксплуатация, миллий тенгсизлик, ирқий камситишнинг ҳар қандай формаларига қарши курашиш — совет рассомларини руҳлантираётган олий мақсаддир. Совет Иттифоқининг тасвирий санъати кўп миллатли санъат сифатида вужудга келди. Халқлар дўстлиги, пролетар интернационализмидан иборат улуғ идея унинг самарали ривожланишини таъминлаётган энг олижаноб асослардан биридир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати тинчлик ва ижтимоий тараққиёт ишини изчиллик билан ҳимоя қилмоқдалар. Реакция кучлари социализм мамлакатига ва унинг кишиларига тўҳмат қилиб, меҳнаткашларни алдашга, янги, адолатли ва энг инсонпарвар ижтимоий тузум яратиш ишига ишончсизлик туғдиришга уринмоқдалар. Мана шундай шароитда совет рассомларининг фаолияти катта аҳамиятга эгадир, чунки уларнинг асарлари тинч ва озод ижодий меҳнатни улуғламоқда, чириган империалистик тузум вужудга келтирган барча йиртқичлик ва шафқатсизликларга муросасиз бўлиш руҳида тарбияламоқда.

Коммунистик партия ҳар доим рассомларни ҳаётнинг ҳақиқат йўлидан боришга, янги ҳаёт ижодкори бўлган халқнинг қаҳрамонона курашидан илҳомланишга даъват қилиб келди. Совет рассомлари Ватанимиздаги прогрессив ва бутун дунёдаги бутун бадиий ижодиётга таяниб, ўзининг чуқур ғоявийлиги, формасининг камолат топганлиги, меҳнаткашлар оммасининг ҳаётига боғланганлиги билан кучли бўлган социалистик реализм санъати йўлидан ишонч билан олға бормоқдалар. Халқимизнинг тарихий ишларини муносиб равишда акс эттириш — бу тарихий ишларнинг бутун улуғворлигини ва ҳаққонийлигини мукаммал ифодалаш, сохта бўямачиликка, сунъий ялтироқликка йўл қўймаслик ҳамда шу билан бирга воқиъликни бузиб кўрсатмаслик демакдир. Воқиъликни бузиб кўрсатганда эса, янги ҳаёт қурилишидаги қийинчиликлар ва зиддиятлар халқнинг улуғ ғалабаларини, коммунизм сари ҳаракат қилишимизнинг равшан ва ғолибона истиқболини тўсиб қолади.

Совет тасвирий санъатининг ривожланишида жиддий камчиликлар бор. Совет кишиларининг ҳаётини, маиший аҳволини ва маданиятини, уларнинг коммунистик жамият қуриш учун олиб бораётган курашини зўр бадиий куч билан акс эттирувчи асарлар ҳали кам. Эксплуатация кишанларидан озод бўлган совет кишиси — ишчи, колхозчи, интеллигентнинг образлари, унинг маънавий дунёси санъат асарларида ҳали чуқур ва ҳар томонлама ифодаланган эмас. Бадиий ижодиётда ҳали кўпгина хом, мазмунсиз, ифодасиз асарлар пайдо бўлмоқда.

Ўтмишнинг улуғ усталари ўз замонасида шундай асарларни яратдиларки, бу асарлар ўзининг юксак гуманизми ва ғоят катта маҳорати билан бизни бугунги кунда ҳам ҳаяжонлантирмоқда. Янги дунё яратишнинг шоҳидлари ва иштирокчилари бўлган совет рассомлари рус ва жаҳон маданиятининг ҳамма энг яхши ютуқларини ижодий равишда ўзлаштириш асосида, халқ оммасининг турмушини чуқур англаб, қаҳрамонона давримизнинг бадиий ёдгорликлари бўлиб асрлар бўйлаб қоладиган асарлар яратишлари керак. Совет рассомларидан миллион-миллион кишиларга чинакам эстетик ҳузур ва қувонч ҳисларини бағишлайдиган, уларнинг маънавий дунёсини бойитадиган, инсонни олижаноблайдиган ва юксак даражага кўтарадиган, уни империалистик золимларга қарши, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун, тинчлик ва демократия идеяларининг тантанаси учун, замонамизнинг энг порлоқ ва олий идеаллари учун курашга отлантирадиган асарларни кутмоқдалар.

Рассомларнинг биринчи съезди Совет Иттифоқи рассомларининг коллектив раҳбарлик принциплари асосида қурилган ва рассомларнинг барча ижодий кучларини жипслаштириши лозим бўлган ягона кўп миллатли ташкилотни вужудга келтириш соҳасидаги ишни охирига етказади. СССР Рассомлар союзи олдида катта ва фахрли вазифалар туради. Тасвирий санъат усталари ўзларининг ижоди билан коммунизмнинг улуғ идеяларини мустаҳкамлаб, зарарли эстетик-формалистик тенденцияларга қарши, катта ҳислар ва идеяларни ифодалайдиган ҳақиқий санъатни бачкана фотографизм билан алмаштирадиган натуралистик сохта реализмга қарши, қалбаки ва қуруқ ҳашам ва дабдабачиликка қарши ва социалистик реализм санъатига ёт бўлган бошқа ҳодисаларга қарши тинмай кураш олиб боришлари керак.

Коммунистик партия совет рассомларини илҳомбахш меҳнатга, дадил ижодий ташаббускорликка, воқиъликни ва унинг революцион ривожланишини ҳаққоний равишда, тарихий жиҳатдан конкрет равишда акс эттиришни талаб қиладиган социалистик реализм санъатининг форма ва стилларини, тур ва жанрларини янада бойитишга чақиради. Социалистик реализм методи ҳар қандай ўлик догма ва схемаларга тамомила қарама-қаршидир, социалистик реализм методи дадил ижодий индивидуаллик кўрсатиш учун, кўп турли формалар ва жанрлар учун жуда кенг йўл очади. Катта ижтимоий мазмунни мукаммал формада, ифодали қилиб маҳорат билан акс эттирувчи юксак бадиий тематик асарлар яратиш санъатнинг энг муҳим вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Рассомлар союзи ғоявий йўл ва бадиий маҳорат масалаларини ўзининг эътибор марказида тутиши, рассомларнинг ўзларининг кенг активлигини ҳар томонлама ривожлантириб, ўзининг ҳамма ишларини демократик методлар асосига қуриши лозим.

Совет мамлакатида фан, маданият ва санъатнинг янада ҳар томонлама равнақ топиши учун зарур шароитлар яратиб берилган. КПСС Марказий Комитети совет рассомларини партия XX съезди томонидан халқимиз олдига, санъат олдига қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш йўлида янада зўр қунт билан ва астойдил ишлашга чақиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети рассомларнинг Биринчи съездига катта муваффақият тилайди ва қаттиқ ишонч билдирадики, совет рассомлари халқни коммунизм қурилиши буюк даврига муносиб асарлар билан бойитиб ўзларининг халқ олдидаги бурчларини шараф билан бажарадилар.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ўрнак кўрсатган комсомол ва ёшларнинг Бутуниттифоқ слёти

Қўриқ ерларни бўйсундирувчилар! Бу сўзларни совет кишилари қизғин муҳаббат ва миннатдорчилик билан тилга оладилар. Коммунистик партия бундан уч йил илгари ёш ташаббускорларнинг дастлабки отрядини катта ва олийжаноб ишга оталарча йўллаган эди. Қозоғистон, Сибирь, Ўрол ва Волга бўйидаги янги ерларни ўзлаштириш учун мамлакатнинг 350 мингдан кўпроқ йигит ва қизлари комсомол путёвкалари билан жўнаб кетган эдилар.

Ёшларнинг фидокорона меҳнати катта муваффақият билан тугалланди. Илгари бўш ётган миллионларча гектар ерлар ўзлаштирилиб, у ерларда юқори ҳосил етиштирилди. Мана энди бу ёшларнинг энг яхшилари Москвада 28 февралда Катта Кремль Саройида очилган Бутуниттифоқ слётига тўпландилар. 1.200 делегатдан ярми орден ва медаллар билан мукофотланган. Улар орасида 20 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор.

Қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар билан биргаликда Москвага қўриқ ерлардаги ҳосилни йиғиб-териб олишда ёрдам берган ёшларнинг вакиллари ҳам келдилар. ВЛКСМ Марказий Комитетининг аъзолари, область ва ўлка комсомол комитетларининг, иттифоқчи республикалар ЛКСМ Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, қишлоқ хўжалик, совхозлар, ғалла маҳсулотлари, шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрликларининг масъул ходимлари, Марказий муассасалар ва бошқармаларнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Слёт қатнашчилари Болгария Халқ Республикаси, Венгрия Халқ Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Руминия Халқ Республикаси ва Чехословакия Республикаси ёшлар ташкилотларининг делегацияларини қизғин табрикладилар.

Слётни ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **А. Н. Шелепин** очди.

— Ўтган 3 йил ичида мардликнинг катта мактабини, ҳаёт мактабини ўтганларнинг, қўриқ ерларни бўйсундирувчи ёшларнинг вакиллари, — деди у, — бугун Кремль саройига тўпланганлар. Улар бу ерга қўриқ ерларга бошланган ғоят катта ҳужумда енгиб чиқиб, катта ва шонли ғалаба билан келдилар. Ленин комсомолининг вакиллари қўриқ ерлардаги ҳамма меҳнаткашлар билан биргаликда совет халқи шонли ишларининг қаҳрамонона солномасига янги ёрқин саҳифа ёздилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министри **В. В. Мацкевич** қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг бориши ҳамда дон етиштиришни кўпайтириш соҳасида комсомол ва ёшларнинг вазифалари тўғрисида доклад қилди. У, қўриқ ерларни ўзлаштириш дон хўжалигини ривожлантиришда ғоят катта роль ўйнаганлиги ҳақида гапирди. Сўнгги уч йил ичида дон экиладиган майдон деярлик 22 миллион гектар кўпайди. Бу, даставвал, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришнинг натижасидир. 1956 йилда доннинг ялпи ҳосили 1955 йилдагига нисбатан тахминан 20 процент ошди ва мамлакатимизнинг бутун тарихида энг юқори даражага етди. Давлат йўли билан 3 миллиард 304 миллион пуд ғалла тайёрланди. Бу эса энг кўп ҳосил олинган йиллардагига нисбатан 1 миллиард пуддан зиёд кўпдир. Уч йил мобайнида ҳаммаси бўлиб 35,5 миллион гектар янги ер ўзлаштирилди.

Янги совхозлар ва МТС ларда кўплаб уй-жой бинолари, касалхоналар, мактаблар, ошхоналар, магазинлар, нонвойхоналар қурилди, савдо яхши йўлга қўйилди. Шу билан бирга айтиб ўтиш керакки, деди докладчи, қурилиш ишлари ёмон олиб борилаётган кўпгина МТС ва совхозлар ҳам бор.

Ўтган йили қўлга киритилган дастлабки муваффақиятлар хотиржамликка берилиш учун асос бўлолмайди. 1957 йил қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда бурилиш йили бўлиши керак. Дон етиштиришни кўпайтириш бу йил ҳам энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Бу вазифани ҳал этиш учун қуйидаги ишларни бажариш зарур: биринчидан, бу йил донли экинлар учун 4-5 миллион гектар янги ерни ҳайдаш; иккинчидан, ҳосилдорликни янада ошириш учун бутун куч билан курашиш; учинчидан, йиғим-терим вақтида нобудгарчиликни тугатиш, бунга айниқса ғаллани алоҳида-алоҳида йиғиб олиш йўли билан эришиш; тўртинчидан, йиғиб олинган ҳамма ғаллани тўла сақлаб қолиш давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим вазифадир. Дон етиштиришни ошириш чорвачиликни тез суръатлар билан юксалтириш учун ҳам зарур шароитлар яратиб беради.

Слёт делегатлари эрталабки мажлисда РСФСР Қишлоқ хўжалик министри **П. И. Морозов** ва Қозоғистон ССР Совхозлар министри **М. Г. Рогинец** ўртоқларнинг ҳам қўшимча докладларини тингладилар.

Ўртоқ Морозов айтдики, сўнгги уч йил ичида республикада 14,9 миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди. Ўтган йили янги ерларни ўзлаштираётган РСФСР ўлкалари, областлари ва автоном республикалари давлатга 1 миллиард 223 миллион пуд дон топширдилар ва сотдилар. Докладчи МТСлар ишини яхшилашда комсомол ва ёшларнинг катта ролини уқтириб ўтди. 1956 йилда Россия Федерациясининг МТСлари биринчи марта хўжалик йилини маблағларни ортиқча сарфламасдан туғалладилар.

Бироқ, машина-трактор станцияларининг ишида муваффақиятлар билан бир қаторда катта камчиликлар ҳам бор. Натура ҳақи тартибида олинадиган ғалланинг таннархи баланд, МТСлар ҳали ҳам кўп маблағни унумсиз сарфламоқдалар. Россия Федерациясининг колхозлари ва МТСлари гўшт ва сут етиштиришда халқдан катта қарздор бўлиб қолдилар. Қўриқ ерларни ўзлаштираётган ўлка ва областлар чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун ўзларида бўлган жуда катта имкониятлардан ҳали ҳам қониқарсиз фойдаланмоқдалар. Докладчи механизаторларнинг турмуш шароитини яхшилашга кўпроқ эътибор бериш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Қозоғистон ССР Совхозлар министри М. Г. Рогинец слётда сўзга чиқиб, қуйидагиларни айтди:

— Ёш ватанпарварлар қўриқ ерларни ўзлаштириб, ғалла етиштириб, уни йиғиб-териб олиб давлатга топшириш вақтида янги совхоз ва МТС лар қуриш, сув чиқариш ва кўкаламзорлаштириш, тош йўллар қуриш бўйича катта ишларни бажардилар. Ҳозир совхозларда 537 ўрта ва тўлиқсиз ўрта мактаб, 622 радиоузел, 268 клуб, 398 кино установка, 386 болалар боғчаси ва яслилари ва ҳоказолар ишлаб турибди.

Янги кўчиб келганларнинг ярмига яқини ҳеч қандай касбга эга эмас эди. Ҳозир уларнинг кўпчилиги малака ҳосил қилди, тракторчи, комбайнчи, шофёр, бинокор бўлиб қолди. Улардан кўп киши бир қанча совхозларда ташкил этилган кечки мактабларда билим олишни тамомламоқдалар. Техникум, махсус мактаб ва курсларнинг катта тармоғи вужудга келтирилди.

Мамлакатнинг иккинчи ғалла макони бўлиб қолган республикада дон етиштиришни кўпайтириш, камида бир миллион гектар майдондаги қўриқ ерларни қўшимча суратда ҳайдаш, чорвачиликни бутун чоралар билан ривожлантириш— республика қишлоқ хўжалиги олдида, ёш ватанпарварлар олдида турган вазифалар ана шулардан иборатдир. Қозоғистон совхозларининг ишчилари ва мутахассислари улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида давлатга ғалла, гўшт, сут ва жун топшириш планини умумхалқ байрамигача бажариш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар.

* * *

Кечқурун слёт ўз ишини Союзлар Уйининг Колонна залида давом эттирди. Доклад ва қўшимча докладларни муҳокама қилиш бошланди.

Шимолий Қозоғистон областидаги Булаев совхози трактор бригадасининг бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Нусинов** ўзининг ўртоқлари билан 1954 йилда Шимолий Қозоғистонга келганлиги, қўриқ ерда биринчи эгат очганлиги, қийинчилик ва етишмовчиликларни қандай енганлиги ҳақида гапириб берди. 1955 йилнинг кўкламида ёшлар қўриқ ерларга биринчи марта дон экдилар, ўтган йили эса янги ерликлар давлатга икки миллион пудга яқин дон топширдилар.

Ўртоқ Нусинов ғалла ўришда энг самарали метод, яъни ғаллани алоҳида-алоҳида ўриш ҳақида муфассал гапирди. У бригадаларни йириклаштиришни, уларни хўжалик ҳисобига ўтказишни зарур деб ҳисоблайди.

«Тобольский» совхозининг агрономи **М. Дашкова** слётга Чкалов областидан келган. У қўриқ ерларга келган ёшларнинг юқори ҳосил учун қандай ғайрат ва матонат билан ишлаганликлари ҳақида гапирди. Хўжалик маҳсулот сотишдан 27 миллион 443 минг сўм фойда олди. Ҳозир ёшлар кўклам экишига тайёргарлик кўрмоқдалар. Йиғим-теримнинг бир оз чўзилиб кетганлиги совхоз коллективига кўпроқ ерни шудгор қилиб қўйиш имкониятини бермади, шунинг учун кўкламда жуда катта майдонларни ҳайдашга тўғри келади.

Брединский дон совхозининг комбайнчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **А. Маслихов** Челябинск областидаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларнинг муваффақиятлари ҳақида гапириб берди. Уч йил мобайнида областда экин майдонлари икки баравар кўпайди. Шу давр ичида Бреди районида дон экиладиган майдон тўрт баравар кенгайди.

Транспорт-экономика институти ВЛКСМ комитетининг секретари **А. Сазонов** Москва шаҳри комсомоллари ва ёшлари номидан слёт қатнашчиларига қизғин салом топширди. У айтдики, ўтган йили 13 мингдан кўпроқ москвалик ёшлар қўриқ ерларни ўзлаштирувчиларга ҳосилни йиғиб-териб олишда, техникани тайёрлашда, уй-жой бинолари ва дон омборлари қуришда ёрдам кўрсатдилар. Москва студентларининг агитбригадалари катта муваффақиятлар қозондилар.

Пойтахт комсомол ташкилотлари Қозоғистон, Олтой, Урол ва Волга бўйидаги қўриқ ерларга кетган ўз вакиллари билан доимо алоқа боғлаб турадилар.

— Биз ўтган йили, — дейди Кустанай областидаги Тенизовский дон совхозининг тракторчиси **О. Чуб**, — давлатга бир миллион пуд ғалла топширдик ва етти миллион сўм фойда келтирдик. Менинг фикримча, бизнинг меҳнатимиз бизлар учун яхшироқ маиший шароит яратиб беришга арзийди, дейди у. Лекин сўнгги йилда совхозда бир метр ҳам уй-жой қурилмади. Қишда биз йўлсизликдан қийналамиз. Янги ерларга кўчиб келганларнинг таъминотини йўлга қўйиш керак — бизда энди янги уйланганлар, ёш болалар кўп, улар учун хилма-хил саноат товарлари керак. Ёшларнинг дам олиши ҳам яхши ташкил этилмаган. Совхозда клуб йўқ, энг муҳими шуки, бадиий ҳаваскорликка раҳбарлик қиладиган кишилар йўқ. Маданият министрлиги шаҳарлардаги ҳар бир клубдагина эмас, балки бизнинг қўриқ ерларимизда ҳам ана шундай раҳбарлар бўлиши ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим.

Хитой ёшлари Янги демократик союзи Марказий комитетининг секретари **Ху Кэ-ши** минбарга чиққанида йиғилганлар уни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олдилар. У қўриқ ерларни бўйсундирувчиларга Хитой ёшларидан қизғин салом топширди. Слёт қатнашчилари ўртоқ Ху Кэ-шининг улуғ Хитой ёшлари бундан икки йил илгари қўриқ ерларга қандай қилиб ҳужум бошланганлиги ҳақидаги гапларини катта қизиқиш билан тингладилар. Ҳозир бу районларда 200 минг йигит ва қиз ишламоқда. Хитойда ўн миллионларча гектар қўриқ ерлар бор. Бу ерларни ҳосилдор экин майдонига айлантириш — Хитой ёшларининг вазифаларидан биридир.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари **В. Е. Семичастний** Ленин комсомолига қарата самимий сўзлар айтгани учун ўртоқ Ху Кэ-шига самимий ташаккур билдирди ва Хитойдаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчи ёшларга, Хитойнинг барча ёшларига қардошларча салом айтишни сўради.

Омск областидаги «Победа» совхози комсомол комитетининг секретари **В. Павлюк** ёшларнинг қаҳрамонона ишлари, қўриқ ерларга кўчиб келганларнинг қандай яшаётганликлари ва дам олаётганликлари ҳақида гапириб берди. У, Новосибирск областидаги Кремлевский совхози вакилларига мурожаат қилиб, ҳар иккала совхоз ўртасида социалистик мусобақа бошлаш ҳақида таклиф киритди.

Болгария ёшларининг вакили, халқ ёшлари Димитров союзи Марказий комитетининг биринчи секретари **А. Димитров** сўзга чиқади. Слёт қатнашчилари уни қизғин табриклайдилар. Сизлар қўриқ ерларни ўзлаштирабошлаган дастлабки кунларданоқ, дейди ўртоқ Димитров, Болгария ёшлари ўз рус биродарларига ёрдам кўрсатиш ҳақида қизғин истак билдирдилар. 120 йигит ва қиз ўтган йилнинг кузида янги ерлардаги ҳосилни йиғиб-териб олишда қатнашдилар. Болгария ёшлари сизларга коммунизм қуриш соҳасида янги, янада катта муваффақиятлар тилайдилар. Ўртоқ Димитровнинг бу сўзларини бутун зал қарсаклар билан кутиб олди.

Руминия меҳнаткаш ёшлар союзи Марказий комитетининг секретари **Г. Петре** слёт қатнашчиларини самимий табриклади. У айтдики, румин ёшларининг Совет Иттифоқига йиғим-теримда қатнашиш учун келган вакиллари қўриқ ерларни бўйсундирувчиларнинг қаҳрамонона ишларини кўрдилар. Уларнинг партия ва халққа содиқлик билан хизмат қилишлари Руминия ёшлари учун ажойиб намунадир.

Кечки мажлисда Актюбинск область Мартук МТСининг директори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **И. П. Пономаренко**, Саратов областидаги «Комсомольский» совхози трактор бригадасининг бошлиғи **Е. Беляев**, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг президенти **П. П. Лобанов**, Қозоғистон ЛКСМ Кўкчетов область комитетининг секретари **Д. Боймуқанов**, Кўкчетов области «Степнякстрой» тресги Боровский қурилиш бошқармасининг мастери **В. Скринник**, Акмолинск областидаги «Культура» совхозининг тракторчиси **Т. Булдигина**, Красноярск ўлкасидаги XX партсъезд номли совхоз тракторчиси **Матвеев**, Қарағанда область «Щербаковский» совхози трактор бригадасининг бошлиғи **П. Боярский** ҳам сўзга чиқдилар.

1 мартда слёт ўз ишини давом эттиради. (ТАСС).

Совет рассомлари Бутуниттифоқ биринчи съездининг очилиши

28 февраль куни Москвада Катта Кремль саройида совет рассомларининг Бутуниттифоқ Биринчи съезди очилганлиги илгари хабар қилинган эди. Бу съезд мамлакатимизнинг маданий ҳаётида катта воқиадир.

Мажлислар залига бепоён Ватанимизнинг ҳамма томонларидан келган тасвирий санъат арбоблари тўпландилар. Кўп меҳмонлар — пойтахт саноат корхоналарининг ишчилари, олимлар, партия ва совет ходимлари, олий ўқув юртларининг ўқувчилари, Совет Армиясининг жангчилари. Меҳмонлар орасида Болгария, Германия Демократик Республикаси, Корея, Руминия, Мўғулистон Халқ Республикаси, Чехословакия, Польша, Хитой рассомлари бор.

Кундуз соат уч. Тасвирий санъатнинг кекса усталаридан бири СССР халқ рассоми К. Юон совет рассомларининг Бутуниттифоқ биринчи съездини очиқ деб эълон қилади.

Бир овоздан съезд президиуми сайланади.

Йиғилганларнинг гулдурос қарсаклари остида КПСС Марказий Комитети Президиуми бир овоздан съезднинг фахрий президиумига сайланади.

Секретариат, мандат ва редакцион комиссиялари, шунингдек Совет рассомлари союзи ва СССР Бадиий фонди Уставларининг проекти бўйича редакцион комиссия сайланганидан кейин, съезд қуйидаги кун тартибини тасдиқлайди:

1. Совет тасвирий санъатининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида доклад, — докладчи СССР халқ рассоми Б. Иогансон.

Қўшимча докладлар:

а) Расм санъати тўғрисида — докладчи РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби И. Серебряний;

б) санъатшунослик ва танқидчилик тўғрисида — докладчи санъатшунослик доктори М. Алпатов;

в) графика тўғрисида — докладчи РСФСР халқ рассоми Н. Жуков;

г) сиёсий плакат тўғрисида — докладчи РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Иванов;

д) ҳайкалтарошлик тўғрисида — докладчи РСФСР халқ рассоми Н. Томский;

е) театр декорацияси санъати тўғрисида — докладчи РСФСР да хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. Акимов;

ж) декоратик-амалий санъат тўғрисида — докладчи санъатшунослик кандидати А. Салтиков.

2. Съезд Мандат комиссиясининг доклади.

3. СССР Рассомлар союзининг Уставини ва СССР Бадиий фондининг Уставини тасдиқлаш.

4. СССР Рассомлар союзининг раҳбар органларини сайлаш.

Сўнгра, съезд кун тартибидаги биринчи масалани муҳокама қилишга ўтади.

СССР Совет рассомлари союзи ташкилот комитетининг раиси Б. Иогансон совет тасвирий санъатининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида доклад қилди.

— Улуғ Октябрь социалистик революцияси, — дейди докладчи,— Ватанимиз халқлари тараққиётида янги давр очди, омма ижодий ғайратининг битмас-туганмас манбаларини рўёбга чиқарди, адабиёт ва санъатнинг эркин ривожланиши учун шароит яратди.

Докладчи совет тасвирий санъати барпо этилганидан буён ўтган 39 йил мобайнида катта ва мураккаб йўл босиб ўтганлигини қайд қилади.

Шундан кейин докладчи совет санъатининг ривожланишидаги асосий босқичларни анализ қилишга ўтиб, Коммунистик партиянинг ва унинг асосчиси улуғ Лениннинг илҳомбахш ва етакчилик ролини уқтириб ўтди.

Докладнинг талай қисми совет санъатининг ҳозирги аҳволига бағишланди. Шахсга сиғиниш расм санъатининг тарихий революцион ва портрет жанрларига салбий таъсир кўрсатдики, бу сиғинишнинг зарари КПСС XX съездида жуда кескин айтилди.

Иогансон ўз докладининг охирида ишонч билдириб айтдики, съезд совет тасвирий санъатининг социалистик реализм йўлида ривожланиш тарихида муҳим босқич бўлади.

Сўз КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Д. Т. Шепиловга берилади. Ҳозир бўлганлар томонидан самимий кутиб олинган ўртоқ Д. Т. Шепилов КПСС Марказий Комитетининг рассомларнинг Бутуниттифоқ Биринчи съездига юборган табригини ўқиб эшиттиради.

Делегатлар ва меҳмонлар КПСС Марказий Комитетининг табригини қизғин кутиб олдилар. Бу табрик— Коммунистик партиянинг совет тасвирий санъатини янада ривожлантириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг далилидир. (ТАСС).

Самарқанд область партия комитетининг пленуми

САМАРҚАНД, 1 март (ЎзТАГ). Самарқанд область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «Самарқанд область партия комитетининг иши тўғрисида»ги қарори ҳамда область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленум қатнашчилари ўз нутқларида шуни кўрсатдиларки, халқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида баъзи муваффақиятлар қўлга киритилганига қарамасдан, областда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги мавжуд резервлардан тўла фойдаланилмаётир. 14 корхона давлат топшириғини бажара олмади. «Красний двигатель» заводи ҳам трактор деталлари ишлаб чиқариш бўйича муҳим топшириқни бажара олмади. Область колхоз ва совхозларида деҳқончилик маданиятини юксалтириш учун, ғўзани ишлашнинг илғор усулларини жорий қилиш учун етарли даражада кураш олиб борилмаётир. Ғалла хўжалигига, сабзавотчиликка, картошкачиликка ва узумчиликка кам эътибор берилмоқда. Областда чорвачилик ҳам қониқарсиз аҳволга тушиб қолган.

Пленум қатнашчиларининг кўрсатишича, областнинг орқада қолаётганлигига асосий сабаблардан бири область партия комитети ташкилотчилик фаолиятининг паст савияда эканлигидир. Область партия комитети халқ хўжалигига ишни чуқур ўрганмасдан, илғор тажрибани ҳисобга олмасдан, юзаки ва малакасиз раҳбарлик қилган, бу эса жиддий камчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Областнинг раҳбар ходимлари омма билан яхши алоқа боғламаганлар, меҳнаткашларнинг маданий-маиший эҳтиёжларини қондириш учун етарли тадбирлар кўрмаганлар. Область партия комитети, шунингдек, айрим район партия комитетлари идеология ишига, айниқса сиёсий маорифга, иқтисодий билимларни пропаганда қилишга етарли эътибор бермаган.

Пленумда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. А. Муҳитдинов нутқ сўзлади.

Пленум қабул қилган қарорида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Самарқанд область партия комитетининг иши тўғрисидаги қарорини маъқуллади ва аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан тадбирлар белгилади.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ўртоқ Ёқубовнинг ўқишга кетиши муносабати билан Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди. Қаймоқов, Исмоилхўжаев ва Азимов ўртоқлар бошқа ишга ўтганликлари муносабати билан область партия комитетининг секретарлари вазифасидан озод қилиндилар.

Пленум ўртоқ О. А. Алимовни Ўзбекистон КП Самарқанд область комитетининг бюро аъзоси ва биринчи секретари қилиб, ўртоқ Ф. М. Прасснн обком бюро аъзоси ва иккинчи секретари қилиб сайлади. Ғ. Ғ. Юсупов, Д. Ю. Ҳамроқулов ўртоқлар обкомнинг бюро аъзолари ва секретарлари қилиб сайландилар.

Коммунистлар билан партиясизлар блокининг кандидатлари учун бирдамлик ва зўр уюшқоқлик билан овоз берайлик!

☆ ☆

Фан доктори

1915 йил. Қашшоқ деҳқон Зоҳид ака бойнинг подасини боқаётганида уни туя тепиб ўлдирганда оиланинг кенжа фарзанди Воҳиджон эндигина бир ёшга кирган миргак бола эди. Орадан сал ўтгач, меҳрибон она ҳам умр бўйи бойлар эшигида қилинган машаққатли меҳнатдан вафот этди.

Бутун бошли оила хонавайрон бўлиб, сарсон-саргардонликка учрай деб турган ҳам эдики, барча мазлумларнинг бахтига офтоб чиқди — Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонди. Воҳиджонларнинг зимистон сингари қоронғи ҳовлиси ҳам бахт нуридан чароғон бўлди...

1933 йил. Воҳид Зоҳидов В. И. Ленин номли Озарбайжон Олий педагогика институтини тугатиб, Ўзбекистон Давлат университетида дарс бера бошлади. Ўзига нисбатан ғоят талабчан бўлган Воҳид Зоҳидов бу билан қаноатланиб қолмай, 1935 йилда Москва Адабиёт, тарих ва философия институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва 1938 йилда муваффақият билан диссертация ёқлаб, философия фанлари кандидати деган илмий даража олди.

Йиллар ўтди. Меҳнатсевар олимнинг асрий қўлёзмалар устида олиб борган катта меҳнатлари ўз самарасини берди. У 1946 йилда докторлик диссертациясини ёқлади.

1947 йил. Жаҳоннинг энг баланд минбарларидан бирида — Осиё мамлакатлари халқларининг Деҳлидаги конгрессида ёшгина ўзбек олими «Совет Ўзбекистонида маданият ва малакали меҳнат» деган темада доклад қилмоқда. Турли миллатларнинг вакиллари билан бўлган муҳташам зал сув қуйгандек жимжит, гўё тингловчилар докладчи келтираётган қизиқарли фактларга, унинг нутқидаги мантиқ кучига маҳлиё бўлгандек уни тинглайдилар. Минбардаги докладчи биз юқорида айтиб ўтган — хонавайронликка учраёзган, лекин Совет ҳокимияти туфайлигина чинакам бахтга эришган оиланинг кенжа фарзанди Воҳид Зоҳидов эди.

Воҳид Зоҳидов дастлаб Ленин комсомоли сафида, кейинчалик 1941 йилдан бошлаб эса шонли Коммунистик партия сафида тарбияланиб, вояга етди. Бу отоқли олим ўзининг илмий фаолиятини жамоат ишлари билан актив равишда бирга қўшиб олиб борди. У бир қанча масъулиятли лавозимларда, жумладан, Ўзбекистон ССР Давлат нашриётининг бош редактори, Ўзбекистон санъат ишлари бошқармасининг бошлиғи, Қорақалпоғистон АССР Маориф министрининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академик секретари бўлиб ишлади. Кейинги йилларда Воҳид Зоҳидов асосан илмий ва педагогик ишлар билан шуғулланмоқда. Ҳозир Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг профессори, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номли тил ва адабиёт институтининг адабиёт тарихи секторининг мудири ва Ўзбекистон Совет ёзувчилар союзи танқид ва адабиётшунослик секциясининг раҳбари бўлиб ишламоқда.

Отоқли олимнинг юздан ортиқ асарлари Москва ва Тошкентда, қардош республикаларда, шунингдек чет элларда нашр этилган. Унинг Беруний, Низомий, Навоий, Радищев, Пушкин, Белинский, Шевченко, Охундов, Обой ва бошқа йирик шоир, ёзувчи, танқидчилар ҳақидаги, адабиётшунослик, философия ва танқидчиликка бағишланган асарлари фанимиз тараққиётига қўшилган ҳиссадир.

Воҳид Зоҳидов ўз илмий фаолиятида кадрлар тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор беради.

Пушкин номли Тил ва адабиёт институтининг коллективи яқинда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишида Воҳид Зоҳидовни Тошкент шаҳар Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатди.

Ш. ЮСУПОВ.

Камтар киши

«Подъёмник» заводининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўзларининг сайловолди йиғилишларида деталларни тобловчи Жўра Тўлагановни Ленин район Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатган эдилар. Ўртоқ Тўлагановнинг кандидатураси овозга қўйиш учун 22-сайлов округидан рўйхатга олинди.

Жўра Тўлаганов заводга келганида ҳеч қандай касбни билмас эди. Чунки у илгари колхозда оддий кетмончи бўлиб ишлаган. Завод кадрлар бўлимида ундан: «қандай касбни биласиз?» — деб сўраганларида, у: «ҳеч қандай касбим йўқ-ку, аммо касбни эгаллашга иштиёқим бор, ишчилар орасида бўлгим келади», — деб жавоб берган эди.

Жўра ака транспорт цехига аравакашликка қабул қилинди. У зарур деталларни цехма-цех ташиб юрар экан, касбкор ишчиларнинг меҳнатига разм сола бошлади. Айниқса, деталларни тоблаш касби унга ёқиб қолди. Ўртоқ Тўлаганов завод маъмуриятидан тоблаш цехига ўтказишни сўради, унинг илтимоси қондирилди. Бу цехнинг кекса тажрибали мастери Николай Петрович Антонкин Жўра акага самимий ёрдам берди: тоблаш касбининг нозик томонлари технологиясини ўргатди.

Зеҳнли ишчи қисқа муддатда 5-разрядли тобловчи бўлиб олди. У ҳозир кундалик иш нормасини 150-200 процент қилиб бажармоқда. Ўртоқ Тўлаганов ишлаб чиқаришда бошқаларга ўрнак бўлиш билан бирга, камтар, жамоат ишида фидокор кишидир. Шубҳа йўқки, у халқ ишончини оқлаб, депутатлик постида ҳам ташаббус кўрсатиб ишлайди.

В. ЗЕМЛЯНКИН,

«Подъёмник» заводи партия ташкилотининг секретари.



Суратларда: (чапдан) Тошкент шаҳар Совети депутатлигига кандидатлари кўрсатилган шампан виноси заводининг контролери **М. Мирзалиева** ва Ильич номли заводнинг формаловчиси **И. Ниғматов**. Ленин район Совети депутатлигига кандидатлари кўрсатилган каноп фабрикасининг ишчиси **Х. Исроилова** ва кондитер-ўқув комбинатининг нонвойи **М. Саидова** ўртоқлар.

РЕПОРТАЖ

ПОЙТАХТ САЙЛОВГА ТАЙЁР

Қайси кўчадан юрманг, қайси даҳа ва қайси маҳаллага борманг, ҳамма ерда эртага бўладиган маҳаллий Советларга сайловда пойтахтимизнинг энг илғор, энг актив кишиларига овоз беришга чақирувчи шиорлар, плакатлар осилган. Жамоат бинолари ва гражданларнинг уй эшиклари тепасида ишчи-деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенция ҳукуматининг символи — қизил байроқлар ҳилпираб турибди.

Сайлов участкалари ва агитпунктларни айтмайсизми? Қайси бир участкага бош суқманг, у ернинг янги тушган келинлар уйидан ҳам яхши безатилганини кўрасиз. Хоналар ичи чиннидек тоза, сайловчиларга бюллетень тарқатадиган столлар қатор қўйилган. Столлар устига яп-янги мовут, сукно ёки алвон ёпилган. Деворларга палак, гулкўрпа, залдевор ва чойшаблар ёйилган.

Мана, Фрунзе районидаги 136-сайлов участкаси. Бу участка Ўрта Осиё нефть разведка бошқармасининг Шота Руставели кўчасидаги янги, муҳташам биносига жойлашган. Бу ерда асосан тўқимачилар ва машинасозлар овоз берадилар.

— Участкамизга бириктилган территорияда, — дейди сайлов участкасининг раиси «Средазнефтеразведка» бошқармасининг бошқарувчиси Евгений Владимирович Кудряшев, — икки мингдан ортиқ сайловчи бор. Улар ўртасида агитация-пропаганда ишларини олиб бориш ҳамда бошқа ташкилий ишларни амалга ошириш мақсадида бундан анча олдин 22 агитбригада ташкил қилдик. Бу бригадалар кучи билан сайловчилар ўз вақтида рўйхатга олинди. 28 февралда рўйхат ва тартиб номерларини текшириш ишлари тамомланди.

Ўртоқ Кудряшевнинг ва сайлов участкаси ҳузуридаги агитпункт мудири ўртоқ П. Гришкиннинг айтишларича, участка сайловни ўтказиш учун ташкилий ва техникавий жиҳатдан тўла-тўкис тайёр. Унга округ бўйича овоз бериш бюллетенлари, 5 сайлов қутиси тахт қилиб қўйилди. Хоналар ремонтдан чиқарилиб, яхши жиҳозланди. Сайловчиларга маиший хизмат кўрсатиш учун 2 буфет ва бир қўчма ларёк ташкил қилинди.

Сайловчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар олиб боришда тўқимачилик комбинати мастерлари Лидия Морозко, Елена Мищенко, мастер ёрдамчиси Георгий Рудников ўртоқлар бошчилигидаги агитбригадалар зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатдилар. Участка раиси, агитпункт мудири ва сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари ҳам агитаторлар ишини текшириб бордилар. Кўпчилик агитаторларнинг меҳр билан ишлаши натижасида деярлик ҳамма сайловчилар депутатларнинг таржимаи ҳоли ва иш фаолиятлари билан таништирилди.

Эртага бу ердаги сайловчилар область Совети депутатлигига кандидат — ўтга чидамли буюмлар заводининг қолипчиси Мария Горощкога, шаҳар Совети депутатлигига кандидатлар — «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилотининг секретари Иван Рибалкога, тўқимачилик комбинати тўқувчиси Валентина Бондаренкога, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бўлим мудирининг ўринбосари Юсуф Султоновга ҳамда район Совети депутатлигига кандидатлар — комбинат ремонтчиси Абдулла Урунбоев, токарь Николай Орлов, цех бошлиғи Зуфар Юнусов, комбинат партия ташкилоти секретарининг ўринбосари Аъзам Усмонов, токарь Георгий Варламов ва механик Вячеслав Кузнецов ўртоқларга овоз берадилар. Участка коллективи овоз беришни эртароқ тугатиш учун ҳамма тадбирларни кўрмоқда.

Шунингдек, тўқимачилик институти биносида жойлашган 139, Фрунзе район ижроия комитети биносидаги 134, Тошкент ёқилғи электроцентрали биносидаги 132-сайлов участкаларида ҳам сайловни ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма тадбирлар кўрилди. Район ижроия комитети сайловни яхши ташкил қилиш ва кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида 28 февралда махсус йиғилиш ўтказиб, унда район сайлов комиссиясининг ахборотини эшитди ҳамда барча участкаларда 3 мартда меҳнаткашларга намунали маданий ва маиший хизмат кўрсатиш тадбирларини белгилаб берди.

Тошкентнинг Ленин, Куйбишев, Киров, Марказий ва бошқа районларида ҳам сайловларга пухта тайёргарлик кўрилди. Хуллас, ҳамма участкалар сайловчиларни кутиб олиш учун таппа-тахт. Бунга шаҳардаги барча партия, совет ва жамоат ташкилотларидаги, корхона ва муассасалардаги, мактаб, техникум ва олий ўқув юртларидаги кўп сонли онгли, илғор жамоатчи агитаторларнинг бир неча ой мобайнида ташаббускорлик кўрсатиб ишлашлари натижасида эришилди.

Эртага бўладиган сайловлар республикамизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида, шунингдек, Тошкентда ҳам умумхалқ байрамига айланиб кетади. Шаҳардаги барча театрлар, ҳаваскорлик тўгараклари, эстрада ва филармония коллективлари жойларда махсус программада концерт берадилар. Одамлар кўп тўпланадиган жойларда кинофильмлар кўрсатилади.

Тинч ижодий меҳнат қилаётган халқимизнинг энг яхши ва илғор фарзандларини социалистик давлатни бошқаришда иштирок этишга йўллаш — уларни давлат органига сайлаш ҳар бир меҳнаткаш учун чинакам қувончли воқиадир. Советлар ҳокимияти йилларида пойтахтимиз мисли кўрилмаган суръат билан гуркираб яшнаётганини ҳар бир киши кўриб турибди. Сўнгги йилларнинг ўзида Тошкентда озмунча йирик қурилишлар бўлдими? Чилонзор массивида, Луначарское томонда, Октябрь райони территориясида фақат 1956 йили ўнлаб кўпқаватли муҳташам уй-жой бинолари, кенг ва текис кўчалар, обод хиёбонлар бунёдга келтирилди. «Главташкент» йўли билан ўтган йили 1955 йилдагига қараганда 2 баравар уй-жой ва 4 ҳисса кўп мактаб фойдаланишга топширилди. Телевизион марказ ва «Пахтакор» стадиони ядросининг ишга туширилиши маданий ҳаётимизда катта воқиа бўлди. Булар революциядан олдинги ўзбекнинг тушига ҳам кирмаган эди. Буларни Коммунистик партия бошчилигида Советлар атрофига жипслашган, ижодий қобилиятлари ва меҳнатга иштиёқи булоқдек қайнаб-тошган совет кишилари бунёдга келтирмоқда! Уларнинг эртага сайлайдиган кандидатлари ҳам халқимиз турмушини янада фаровон қилиш, ободончилик ишларини яна кенгайтириш, Советларни кенг халқ оммасига янада яқинлаштириш учун янги куч ва янги ғайрат билан ишга киришадилар.

Коммунистлар билан партиясизлар халқ блокининг кандидатлари учун якдиллик билан овоз берайлик!

З. ИСРОИЛОВ.

☆ ☆

Халқ севган аёл

Кўплаб кишилар совет хўжалигининг барча соҳасида фидокорона меҳнат қилиб, ажойиб меҳнат кўрсаткичларига эга бўлмоқдалар. Улар меҳнат жараёнида юксак ватанпарварлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Бундай кишилар халқ хўжалик планларининг тез ва ортириб бажарилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшаётирлар.

Сирдарё район, «Малик» совхозидаги ўртоқ Анна Абдурашидова ана шундай ватанпарварлардан биридир. У совхозда ўзининг меҳнатсеварлиги билан донг чиқарган аёл. У совхозда бир неча йилдан буён сигир соғади. Ўртоқ Абдурашидова сигирлардан кўп сут соғиб олишни биринчи бўлиб бошлаб берди. Сигирлардан кўп сут соғиб олиш уларни яхши парвариш қилишга боғлиқ эканини у яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам ўзига бириктилган сигирларни зоотехника қоидаси талабларига мувофиқ парвариш қила бошлади. Ўртоқ Абдурашидова ҳар бир сигирнинг феъл-мижозини ўрганиб олди.

Анна молхонага кириб келар экан, у қараётган сигирлар ёппасига маъраб юборади, гўё уни соғиниб қолганлар; у, мана-мана мен келдим, говмушларим, елин-сут хоналарингга йиғган сутларингни ҳозир соғиб оламан, юкларингни енгиллаштираман, емиш бераман, деб билак шимариб, сигир соғишга киришади. 12 сигирни электр ёрдамида қисқа вақтда соғиб олади. Ўртоқ Абдурашидова ҳар бир сигирнинг сутини алоҳида ҳисобга олиб, уларнинг кечаги сути билан солиштиради. Агар бирор сигир кечагисидан кам сут берса, унинг сабабини билишга киришади.

Ўртоқ Абдурашидованинг бундай жонбозлик билан ишлаши жуда катта ижобий натижалар берди. Сигирларнинг сутини аввалги 700-800 килограммдан 4-5 минг килограммга етказди. Ўртоқ Абдурашидова 1956 йилда ўзига бириктилган 12 сигирнинг ҳар биридан 4273 килограммдан сут соғиб олди. «Беланка», «Маинка» кличкали сигирлардан 6-6,5 минг килограммдан сут соғиб олди.

Ўртоқ Абдурашидова ўзининг ажойиб тажрибасини совхоздаги бошқа сигир соғувчиларга ҳам тарқатди. Ундан ўрнак олган Анна Антонова, П. Устинина ва бошқалар ҳам 11-12 сигирнинг ҳар биридан 3700-4200 килограммдан сут соғиб олдилар. Ўртоқ Абдурашидованинг номини биргина «Малик» совхози коллективи эмас, балки бутун Сирдарё районида ҳурмат билан тилга оладилар. Шунинг учун ҳам «Малик» совхозидаги сайловчиларнинг сайловолди йиғилишида ўртоқ Анна Абдурашидова Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи 212-«Малик» сайлов округидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига кандидат қилиб кўрсатилди. Тошкент область Советига сайлов ўтказувчи 212-«Малик» сайлов округ комиссияси Анна Абдурашидовани овозга қўйиш учун рўйхатга олди.

Шу кунларда «Малик» совхозида, Сталин номли ва Маленков номли колхозларда сайловчиларнинг сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтяпти. Бу йиғилишларда ҳам ўртоқ Абдурашидованинг номзоди бир оғиздан маъқулланмоқда. Кўпгина сайловчилар халқ севган қиз Анна Абдурашидовага сайлов куни жон-диллари билан овоз беражакларини изҳор қилмоқдалар.

З. РАҲМОНОВ.

Боғча мудираси

Боғчага болалар худди маслаҳатлашгандек бир вақтда, соат 9 да етиб келишди. Кичкинтойларнинг бундай интизомлиликлари ҳаммани ҳам хурсанд қилади, албатта. Тарбиячилар болаларни очиқ чеҳра билан кутиб олиб, уларнинг кийимларини ечинтирадилар. Эркатойлар группа хоналарига тарқалишди. Эрталабки нонушта бошланди: сўнг оммавий ўйинлар... Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 18-болалар боғчасида ҳар куни ҳаёт шундай бошланади.

Ўртоқ Малика Лутфуллаева мудирлик қилаётган бу боғчада 75 бола тарбияланмоқда. Малика опа 23 йилдан бери боғчада ишлаб келади, 18-боғчага келганига эса 13 йил бўлди. У шу давр ичида бизнинг келажагимиз ва орзу-умидимиз бўлган болаларни коммунистик руҳда, ахлоқли ҳамда интизомли қилиб тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшди, кичик ёшдаги болалар психологиясини ва тарбия йўлларини яхши билувчи моҳир педагог бўлиб етишди.

Ўртоқ Лутфуллаева ёш тарбиячи кадрлар тайёрлаш ишига ҳам ҳисса қўшмоқда. Ҳар йили март ойида боғчага студентлар практикага келадилар. Мудира уларга ўз тажрибасини қунт билан ўргатади, тарбиянинг таъсирчан методларини сўзлаб беради. Шу боғчада тарбиячи бўлиб ишлаётган Азиза Мирбобоева Малика опанинг шогирдидир.

Малика Лутфуллаева ўз вазифасини садоқат билан бажариб келаётгани туфайли аҳоли ўртасида катта обрў қозонди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган унвон берилди. Ўтган сайловда эса Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайланди. У депутатлик даврида сайловчиларнинг «Эркин» маҳалласидан Ҳамза кўчасигача асфальт ётқизиш, шу территорияда автобус юришини йўлга қўйиш ва бошқалар тўғрисидаги наказларини бажарди.

Халқ хизматкори бўлиб, ишончни оқлаган Малика Лутфуллаева бу гал ҳам 398-сайлов округидан Тошкент шаҳар Советига депутатликка кандидат қилиб кўрсатилди ва овозга қўйиш учун шу округдан рўйхатга олинди.

О. САЙДАМИНОВ.

СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНЛАРИ

ҚОРЖОВ ҚИШЛОҚЛИ ҚАҲРАМОН

(ОЧЕРК)

I

— Ўртоқлар, колхозимизга Қодирқул Султонов раис бўлсин деган таклиф бор, нима дейсизлар? — деди мажлис раиси.

Мажлисдагилар гўё бу сўзни эшитмагандай ер чизиб, чурқ этмай ўтиравердилар. Гоҳо-гоҳо улар Султоновга ер остидан қараб қўярдилар.

— Қани, гапирмайсизларми? — Ўртоқ Султонов илгари Қуйи Чирчиқ районидаги 3-МТСда сиёсий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган, бу ерга область партия комитетининг тавсияси билан келган.

Мажлисда ҳамон жимлик ҳукм сурарди. Бирор киши Қодирқулни ёқлаб ҳам, ёмонлаб ҳам гапирмасди. Бу ҳол Қодирқулни ўнғайсизлантира бошлади. У ўзича «демак мен ҳеч кимга ёқмабман-да», деб ўйлар, ҳижолат бўлар, ўзига-ўзи нимага ҳам бу ерга келдим, дер эди.

— Қани, гапирмайлизларми ахир, нима дейсизлар? — деди мажлис раиси залга қараб. Залнинг бир бурчагида ўтирган кимдир жойидан қўзғалмай:

— Раис ўзимиздан бўлсин, — деди.

Мажлисда бирор киши гапни бошлаб бергунча экан, ундан кейин гапни тўхтатиш ҳам қийин бўлиб қолар экан. Яна бир киши сўз ҳам олмай гапира бошлади.

— Наҳотки ўзимизда раисликни эплай оладиган киши топилмаса?

Мажлис раисининг Султоновни таърифлаб айтган сўзларини ҳеч ким тан олмади. Султонов раисликка сайланмади. Колхознинг эски раиси Нурмат Неъматов яна ўз ўрнида қолди.

Мажлис тугагач, ҳамма тарқалиб кетди, Султонов эса сувга тушган нондай бўшашиб, ўрнидан қимирламай ўтираверди. У, раисликка сайланмай қолгани учун эмас, одамларга ўзининг ишончсиз бир кишидай кўриниб қолганига хафа эди. Ҳаммадан ҳам одамлар, бу амал қидириб келган эканда, деб ўйламадилармикин деган андиша уни ортиқ эзарди.

Султоновни бундай маюс ҳолда кўрган Қўшим ака ташвишланиб, унга узоқ тикилиб қолди. «Бу йигит яхши ният билан, ҳукуматнинг топшириғи билан келган экан. Лекин яхши иш бўлмади. Ўзи дурустгина йигитга ўхшайди, тағин кўчада қолиб кетмасин» деб ўйлади ва секин бориб, Султоновнинг елкасига қўлини ташлади.

— Қани, туринг, кетдик, — деди у. Султонов унга қаёққа деган-дай назар ташлади, — уйга борамиз, туринг.

Қодирқул Қўшим аканинг орқасидан кета бошлади. Улар бир-бирлари билан гаплашмай жим борардилар. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам нима деб гап бошлашни билмай, қишлоқ кўчаларидан юриб кетардилар. Бу қишлоқнинг қишлоқ дегудек башараси ҳам йўқ. Атрофларда бирорта дуруст бино кўринмайди. Фақат ҳар жой-ҳар жойда пастқам, кўримсиз уйлар, капалар кўзга ташланади. Кўчанинг ҳам тайини йўқ, йўллар ўйдим-чуқур ва ҳаддан ташқари лой. Ҳаво булут, қор аралаш ёмғир ёғмоқда. Бу ерда қишлоққа ҳусн бўлгудек бирор туп дарахт ҳам кўринмайди. Бунинг ўрнига шўр босган ерлар, тўқайлар, қопқора балчиқли ерлар қишлоқ ҳуснини бузиб ётибди. Қишлоқнинг бу хунук қиёфаси ҳам Қодирқулнинг кўнглини яна хира қилди. Улар ниҳоят Қўшим аканинг уйига келиб етдилар. Қўшим ака меҳмоннинг кўнглига тасалли беришга шошиларди. У дастурхон солиб, меҳмонга чой узатгач, аста колхоз мажлиси ҳақида гапира бошлади.

— Сиз мажлисдаги ҳалиги гапларга сира парво қилманг. Бу ерда колхозга ҳар қаёқдан кўчиб келган, илгари давр-даврон сурган раислардан 22 киши бор. Энди уёғини ўзингиз топиб олаверасиз. Мажлисдаги ҳалиги гаплар ҳам ана ўшалардан чиққан. Шунинг учун колхозимиз унмай, ривож топмай ётипти-да.

Қодирқул ўрнига узала тушди. Лекин уйқуси қочиб, ҳаёлга ботди.

Эртаси куни Қодирқулни бир киши чақириб келиб қолди. У, идорага боракансиз, деди. Улар йўлда гаплашиб кетдилар. У одамнинг гаплари ҳам тахминан Қўшим ака сўзларининг такрори эди. У яна колхоздаги тартибсизликлар, меҳнатнинг қадрланмаётганлиги ҳақида хафаланиб гапирди. Идора олдида одамлар кўп, улар орасида райком секретари ҳам бор эди. Сал ўтмай, партия мажлиси бошланди.

Партия мажлисининг охирида янги секретарь сайлаш масаласи қўйилди. Райком секретари колхозда партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш, партия ташкилотининг ишини мустаҳкамлаш мақсадида секретарлик вазифасига ўртоқ Қодирқул Султоновни тавсия қилди. Бу таклифга Султонов қаршилик билдирди:

— Мени рўйхатдан ўчириб қўйишни таклиф қиламан, чунки мен қайтиб кетмоқчиман, — деди

Райком секретари эътироз билдирди:

— Бўлмаса, сиз бу ерга фақат раис бўламан деб келган экансизда, ёки бу ерларнинг шароити сизга ёқмадими? Йўқ, ўртоқ Султонов, коммунистларга бунақа гаплар ярашмайди.

Султонов нима дейишини билмай жим қолди. Коммунистлар уни колхоз бошланғич партия ташкилотига секретарь қилиб сайладилар.

II.

Орадан бир йил ўтди. Бу орада жуссаси унча катта бўлмаган, лекин зуваласи пишиқ, ҳар сўзни чертиб, ўз фикрини яширмай дангал гапирадиган, ҳаракатчан Қодирқул Султонов шу қишлоқ аҳолиси билан анча эликишиб қолди. Бунга Қодирқулнинг колхозчиларнинг ҳақини ҳимоя қилиб қилган ҳаракатлари сабаб бўлди. Лекин бу ҳаракатлар ҳали ҳеч қандай натижа бермаган эди. Колхоз раҳбарлари уни менсимадилар. Колхозда йиллик ҳисобот-сайлов мажлиси бўлганда Қодирқул сўзга чиқиб, «мен гапирмас эдим. аммо...» деб гап бошлади ва колхоз раҳбарларининг нотўғри ҳаракатларини танқид қилди. Колхозчилар Қодирқулнинг худди шу сўзларини кутиб турган эканлармн, бирдан чор-тарафдан «тўғри-тўғри» деб қичқирдилар. Ўрнидан дас туриб кетган Исабой Самолдиқов ҳаяжонланиб, гапира бошлади:

— Биз колхозда 12 гектар ерга шоли экилган деб юрсак, курмак экилган экан. Шундан колхоз омборига 2 тонна курмак кепти. Бу гапга ким ишонади? Бунга шолининг хузурини кўрганлар ишонмаса, сиз билан биз ишонмаймиз.

Исабой аканинг бу сўзларини эшитган колхозчилар чапак чалиб юбордилар. «Янги раис сайлансин» деган овозлар эшитила бошлади. Яна кимдир ўрнидан туриб гапира кетди:

— Ўтган йили раис сайлашда хато қилган эканмиз. Тўғриси, баъзи кишилар бизни чалғитган эканлар. Мен ўртоқ Қодирқул Султоновни раис қилиб сайлансин деб таклиф қиламан.

Бу таклифга эътироз билдирганлар, овозга қўйилганда қарши чиққанлар бўлмади. Ўтган йили «раис ўзимиздан бўлсин» деган кишилар ҳам жим қолди.

Қодирқул Султонов раисликка сайланди. Лекин қулоғигача қарзга ботиб қолган бу колхозни тиклаб, тўғри йўлга солиб олиш осон иш эмас эди. Айниқса, ҳали унча тажрибага эга бўлмаган Қодирқул учун жуда мушкул иш эди. Ҳаммадан кўра унга одамлар билан ишлаш, уларни ишга йўналтириш, кўпчиликнинг ишончига сазовор бўлиш жуда қийин иш бўлиб кўринди. У ўзича «ёлғиз отнинг чанги чиқса ҳам донги чиқмайди» деб ўйларди.

Қодирқул, айниқса, авжи ғўза парваришининг қизитиб юборилиши лозим бўлган кезларда колхозга раис бўлишнинг нақадар қийин эканлигини яхши тушунарди. Бу вақтда бир неча хил ишни бирданига қилиш зарур эди. Масалан, бу ёқда ғўзани парвариш қилиш керак бўлса, бу ёқда пилла қуртини барг билан таъминлаш лозим, бир томонда беда-пичан ўриш зарур бўлса, иккинчи томонда шоли экиш, бошқа экин планларини бажариш даркор. Ишлар қатор-қатор-у, куч жуда кам. Ҳамма бригадалар одам талаб қиладилар.

Мана шундай пайтларда боши қотиб қолган раис таваккал деб иш қилишга ҳам мажбур бўлди. Лекин бу таваккалчилик кўп вақт ишни тузатиш ўрнига яна бузиб қўйишга сабаб бўлди. Илгари ўйлаб қўйилган планларни бутунлай остин-устун қилиб юборди. Иш тиқилинч келган пайтларда одамлар бир бригададан иккинчи бригадага кўчирилди. Бу, одамларда ўз ишига бўлган масъулиятни йўқота бошлади. Мана шундай кезларда раиснинг уйқуси ҳам келмас, бир минут ҳам ором ололмас эди.

Ўтган бир йилнинг якуни пахтачилик соҳасида катта силжиш бўлганлигини 7 центнер ўрнига 12 центнердан ҳосил олинганини кўрсатди Аммо хўжаликнинг бошқа тармоқлари ўтган йили қандай бўлса, шундайлигича қолаверди. Сабзавотчилик, чорвачилик планлари бажарилмади.

Колхоз активлари бир нафас бир жойга тўпланиб қолганларида шу тўғрида бош қотирар эдилар. Келгуси йилга тайёргарлик кўриш, бригада бошлиқларини тайинлаш пайти келганда икки хил фикр туғилди.

Колхоз раҳбарлари бутун йил давомида хўжаликнинг ҳамма соҳасини яхшилашга ҳаракат қилдилар. Лекин пахтачилик соҳасида яна ўзгариш бўлди-ю, бошқа тармоқдаги ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолди. Яна активларнинг боши қотди. Айниқса, пахтачиликдан келган даромаднинг бир қисми бошқа планларни бажариш учун сарф этилганда, бу яққол сезилди. Энди нима қилиш керак? Раис активларга мурожаат қилди.

Колхоз активлари янги йилда хўжаликнинг энг заиф томонларига ташкилотчи, жонкуяр, софдил кишиларни танлашга қарор қилдилар. Бу эса йил охирида яхши натижа берди.

Катта қийинчиликлар, уринишлар, изланишлар колхоз активларини ҳам, Қодирқулни ҳам тобора чиниқтира бошлади. Ҳар йили одамларда янги фикрлар, янги режалар, янги ҳис, янги туйғулар, катта ҳаваслар пайдо бўларди. Қандай қилиб қолоқ хўжаликнинг қаддини ростлаш мумкин деган савол мана шундай йўллар билан ҳал бўларди. Тўрт йиллик кураш натижасида Карл Маркс номли колхоз қаддини ростлаб олди.

Энди бу колхоз аъзоларининг мавжуд ер майдонлари, ундан олинаётган ҳосил қаноатлантирмайдиган бўлиб қолди. Улар энди ерларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш пайига туша бошладилар. Бу соҳада бригада бошлиқлари Қўшим ака Ақилбеков билан Иноят Раҳимовлар намунали иш қилдилар. Йилдан-йилга юқори ҳосил етиштира бошладилар. Колхозда мана шунга интилиш кучайиб кетди. 1950 йилга келганда колхозчиларнинг бу курашлари тантана қилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил илгаригига нисбатан 30 центнер ошди. Тўқай, қўриқ ерлар ҳисобига пахта майдонлари кенгайди.

Ўша йили колхозчилар учун жуда катта қувончли йил бўлди. Бу ижодий меҳнат эгалари зўр ҳурматга сазовор бўлдилар. 127 киши СССР Олий Совети Президиуми томонидан орден ва медаллар билан мукофотланди. Қўшим ака Ақилбеков билан Иноят Раҳимов ўртоқларга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди.

III

Йиллар кетидан йиллар ўтди. Катта йўлга чиқиб олган шу колхоз яна кенг қулоч ёзиб тараққий қилди. Энди бу ерлар 16 йил илгариги, Қодирқул Султонов янги келган вақтлардаги кўримсиз қишлоққа сира ўхшамайди. Эски қишлоқдан асар ҳам қолмаган. Кенг тош йўлли, сердарахт, кўркам янги бинолар қад кўтарган, Ильич чироқлари порлаб турган янги қишлоқ пайдо бўлган. Колхозни намунали хўжаликка айлантириш учун тер тўккан кишиларнинг ўзлари ҳам бутунлай ўзгариб кетганлар. Улар янги ҳис, янги тушунчаларга эга бўлиб қолганлар. Бир вақтлар «раис ўзимиздан бўлсин» деб қичкирган кишилар ҳам Қодирқул Султонов Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар билан мукофотланган вақтларда суюнган эдилар. Улар яна Қодирқул Султоновни Ўзбекистон ССР Олий Советига 4-марта депутат қилиб сайланган вақтларда ҳам «бизнинг раисимиз» деб қувона-қувона фахрланиб овоз бердилар. Ҳозир эса улар Султоновга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрли унвон берилгани учун олам-олам қувонмоқдалар. Улар шу иноқ ва аҳил оилада шундай қаҳрамонлар етишиб чиқаётгани учун шодланмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,

Верхне-волинск райони.

ЎзКП Тошкент область комитети ва область ижроия комитетида

Чигит ва бошқа экинларни экишга тайёргарлик кўриш, экишни ўтказиш ва қатор ораларини дастлабки ишлаш даврлари учун агротехник ва ташкилий тадбирлар

Тошкент область партия комитети бюроси ва область ижроия комитети қишлоқ хўжалик мутахассислари билан биргаликда экишга тайёргарлик кўриш, экиш кампаниясини ўтказиш ва гўза қатор ораларини дастлабки ишлаш масалаларини муҳокама қилдилар ва бир қатор зарур тадбирларни белгилаб чиқдилар.

Бу йил чигит ва бошқа экинларни экиш ишларини ўтказишда бир қатор жиддий қийинчиликлар бўлиши мумкин.

Биринчидан, қиш давридаги об-ҳаво шароити ноқулайлиги туфайли ерларни асосий ҳайдашда анчагина кейинда қолиш ҳоллари рўй берди. Ҳозиргача колхозларда ҳайдалмаган 80 минг гектар ер бор. Ерларни кўзда шудгорлашда кўп ҳолларда агротехника тадбирларига риоя қилинмаган. Бундай ерларни чигит экишга тайёрлашда дискалаш, чизеллаш ва бороналаш каби бир қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Иккинчидан, қиш даврида тупроқда етарли миқдорда нам запаси ҳосил этилмади. Демак, тупроқдаги намни сақлаб қолиш ва яна нам тўплаш учун ҳам қўшимча тадбирларни амалга ошириш лозим.

Учинчидан, об-ҳаво шароити туфайли юз берган аҳвол дала ишларини ўтказиш муддатларини бир мунча қисқартиришга олиб келади, натижада бир қатор экинларни экиш муддати бир вақтга тўғри келиб қолади. Шу туфайли эрта кўклам даврида бажарилиши керак бўлган қатор тадбирларни ерни чигит экишга тайёрлаш учун қилинадиган ишлар билан бир вақтда бажаришга мажбур бўламиз.

Ана шу қийинчиликларни эътиборга олиб бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисобланди.

5 мартгача МТС, колхоз ва совхозлардаги барча техника воситаларини ремонт қилиш ва дала ишларига тайёрлаш тугалланиши зарур. Об-ҳаво шароити қулай бўлган кунлардан тўла фойдаланиб, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган асосий экин майдонларини 10—15 мартгача ҳайдаб бўлинсин. Шўр ерларни ювиш ишларининг яқин кунлар ичида тугалланишига, рўй берган вазиятни эътиборга олган ҳолда март ойининг биринчи ярмида ерлар запас суғорилиб, намнинг яхши сақлаб қолинишига эришиш лозим.

Ёпатсиз шудгор қилинган ерлар ўз вақтида дискалансин, чизеллансин ва уларни чигит экишга яхши тайёрлаш юзасидан бошқа зарур чоралар ҳам амалга оширилсин.

Март ойида ҳаво исий бошлаши билан ҳайдалган ерларда ҳам, ҳайдалмаган ерларда ҳам намни сақлаш мақсадида 3—4 кун ичида бороналаш ўтказилсин. Ерларни, айниқса квадрат-уялаб чигит экиш учун ажратилган ерларни экишгача текислаш таъмин этилсин.

Ҳар бир колхоз ва ҳар бир далачилик бригадасида экишни ўтказиш учун аниқ ишланиб чиқилган ташкилий планларга амал қилгандагина бу ишлар муваффақиятли бажарилади.

I. АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Агротехник тадбирлар планини тузишдан олдин алмашлаб экишни жорий этишга мувофиқ ҳар бир экиннинг жойини белгилаб олиш зарур. Шундагина ҳар бир бригадада қилинадиган барча ишларнинг ҳажмини ва муддатларини аниқ белгилаб олиш мумкин.

Пахта ва маккажўхори экинларини экиш учун квадрат-уялаб экишга мувофиқ келадиган чегараси тўғри рельефи яхши бўлган ерлар ажратилсин. Бу ишни ҳамма жойда 3—4 кун ичида тугаллаш зарур.

План тузаётганда ер ҳайдашни тезда тугаллашни таъминлайдиган тадбирларни белгилаш, бунинг учун зарур бўлган трактор ва от-уловларни ажратиш кўзда тутилиши лозим. Шундагина эскидан экин экилиб келаётган ва бегона ўтлари кам бўлган ерларни ағдармасдан ҳайдаш йўли билан ишни тезлаштириш мумкин бўлади. Бироқ, етилмаган ерларни ҳайдаш ва уни ишлашга сира йўл қўймаслик керак.

МТС, колхоз ва совхозларнинг асосий вазифаси ерни чигит экишга сифатли қилиб тайёрлашдан иборатдир, ерни сифатли қилиб тайёрлаш чигитни тўла ундириб олиш ва туп қалинлигининг нормал бўлишида асосий шартдир.

Оғир тупроқли, куз даврида яхши ишланмаган ёки ўтган йил бегана ўт кўп бўлган ерларни дискалаш, чизеллаш, молалаш, шунингдек далаларни чигит экишга яхши тайёрлашни таъмин этадиган бошқа тадбирларни амалга оширишни кўзда тутиш керак.

Чигит квадрат-уялаб экиладиган участкаларни тайёрлаш юзасидан қилинадиган ишларга алоҳида эътибор бериш зарур. Янги усулда чигит экиладиган далалар албатта текисланиши, айрим ҳолларда улардаги тут дарахтлари бошқа жойларга кўчириб ўтказилиши керак.

Областнинг жанубий районларида — Бекобод, Боёвут районларида шунингдек, Шимолий Тошкент ва Молотов номли каналлар зонасида тупроқдаги мавжуд нам миқдорига қараб март ойида ерларни суғоришни таъминлаш, Мирзачўл районларида эса 10 мартдан кечикмасдан шўр ерларни ювиб бўлишга эришиш лозим.

Тадбирлар белгиланаётганда маҳаллий ўғитларнинг барча мавжуд ресурсларидан фойдаланишга алоҳадор бўлган масалалар — ҳар бир далачилик бригадасида оддий гўнғхоналар қуриш, айрим участкаларга маҳаллий ўғитлар солиш навбати ва ҳар гектар ерга қанча ўғит солиш кераклиги масалалари ҳам ҳал этилсин.

Бирмунча ориғлаб қолган ва кузда ҳайдалмаган участкаларнинг ҳар гектарига 10—12 тоннадан маҳаллий ўғит солиш керак. Кузда шудгор қилинган ерларнинг ҳар гектарига чизеллашдан олдин 6—8 тоннадан яхши чиритилган гўнг солиниши мумкин. Ҳар бир ҳолда ҳам маҳаллий ўғитларга йиллик норманинг 40—50 процентни миқдорида суперфосфат қўшилиши лозим.

Маҳаллий ўғитларни далага чиқариш суръатини тезлаштириш учун мавжуд транспорт воситаларини бирлаштириш ва бу ишга раҳбарлик қилишни правление аъзоларидан бир кишига топшириш зарур.

Колхозларни беда, бошоқли дон экинлари ва маккажўхори уруғликлари билан таъминлашга ва бу уруғликларни кондицияга мувофиқ экишга тайёрлаш масаласига катта эътибор берилсин.

Чигитни ивитиш учун цементланган ўраси бўлган, чигитни намлаш, дорилаш ва гексахлоран юқтираДиган майдонлари бўлган дорилаш пунктларининг ҳар бири 400—450 гектар пахта майдонига мўлжалланиб колхоз территориясига бир текисда жойлаштирилсин. Чигитни экишга тайёрлаш иши зараркунандаларга қарши курашувчи техник ва энтомолог агрономлар раҳбарлиги остида тажрибали колхозчиларга топширилсин.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўплигини, зарпечак кенг тарқалганлигини эътиборга олиб марзз, уватлар, ариқ бўйлари, дарахтлар, айниқса тутлар икки марта химик ва механик усулда дорилансин.

Ҳар бир бригада учун гўза тур таркалинлиги тўғрисида аниқ топшириқлар берилсин ва ҳар бир гектар ердан тўла фойдаланиш тадбирлари белгиланиб чиқилсин.

Ери бўз тупроқли — Оржоникидзе, Калинин, Тошкент, Октябрь, Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон, Бўка ва Пискент районларида, шунингдек Юқори Чирчиқ, Ўртасарой ва Ўрта Чирчиқ районларининг адр этакларидаги бўзтупроқ ерларнинг ҳар гектарида пахта йиғим-терими олдидан 90—100 минг туп ўсимлик бўлишига эришиш—бунинг учун эса 50х50 схемаси билан чигит экилганда ҳар уяда 2—3 тупдан, 60х45 схемаси билан экилганда 3 тупдан гўза ўстиришни таъминлаш керак;

Янгийўл, Октябрь, Юқори Чирчиқ, Ўртасарой, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ районларининг ўтлоқ-тупроқли ерларининг ҳар гектаридан 80—100 минг туп ўсимлик ўстирилиши, бунинг учун эса 60х60 схемасида чигит экилганда ҳар уяда 3 тупдан, 50х50 схемада ўстирилганда 2 тупдан ва 60х45 схемада экилганда 2—3 тупдан гўза бўлишини таъминлаш керак;

Мирзачўлнинг тиниқ—бўз ва ўтлоқ—бўз тупроқли ерларида—Сирдарё, Мирзачўл, Верхне-волинск, Гулистон, Боёвут ва Бекобод районларида ҳар гектар ерда 70—90 минг тупдан ўсимлик бўлишига эришиш, бунинг учун эса 50х50 схемада чигит экилганда ҳар уяда 2—3 тупдан, 60х60 схемада экилганда 3 тупдан гўза ўстирилишини таъминлаш керак;

Шимолий Тошкент канали зонасидаги янги ўзлаштирилган ерларда шунингдек, Бўка ва Оққўрғон районларидаги нотекис ерларда чигит қаторлаб экилиши ва қатор оралари 50х60 сантиметр кенгликда бўлиши лозим. Бу ерларда гўзани квадрат-уялаб жойлаштириш мумкин бўлса, қатор ораларини кўндаланигига ишлашда от-улов кучидан кенг фойдаланиш зарур. Ана шундай ерларда чигит қандай усулда экилмасин, ҳар гектар ерда 110—120 минг тупдан гўза ўстирилиши зарур.

Айрим далаларнинг унумдорлик даражасини эътиборга олган ҳолда бу тавсияда кўрсатилган туп қалинлигини ўзгартириш мумкин.

Далачилик бригадаларида экиннинг бирхил схемада ўстирилишига ҳаракат қилиш керак, лекин тупроқ тури ҳархил бўлганида экин кўпи билан икки схемада ўстирилсин.

Чигит қаторлаб экилиб, сўнгра гўза машина билан яганаланадиган ва қатор оралари кўндаланигига культивация қилинадиган ерларда ҳам яганалашда гўза юқорида айтиб ўтилган схемада жойлаштирилиши лозим.

Гўзани сийрак бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун ўз вақтида тегишли чораларни кўриш, ҳар бир тупни сақлаб қолиш учун курашиш, дала бурчакларн ва четларига, карта ичидаги суғориш шоҳобчалари бўйларига ўз вақтида чигит экиш керак.

Чигитни бир текис ва қийғос ундириб олишнинг асосий шартларидан бири Уни нормал чуқурликка экилиши зарурлигига катта аҳамият бериб, сеялкалар иши устидан бригада бошлиқлари ва агрономлар доимий контроллик қилиб туришлари зарур, деб топилсин.

Бу йил белгиланган ҳамма майдонларга беда экилиши зарурлиги тўғрисидаги топшириқнинг бажарилишини таъминлашимиз зарур. Сийраклашиб қолган бедапояларга қўшимча уруғ экилсин ва планда белгиланган майдонлар беда билан банд бўлмаса эрта кўклам ва ёз даврларда қўшимча майдонларга беда экилсин.

Ўтган йил колхозларимиз беда экишни маккажўхори орасига экиш билан боғлаб олиб боришда маълум даражада тажриба орттирдилар. Ўсиб турган маккажўхори орасига беда экишни тўғри ўтказган жойларда яхши натижалар қўлга киритилди. Маккажўхори июнь ойининг охири ва июль бошларида кўк хашак ёки силосга босиш мақсадида ўриб олиниши мўлжалланган ҳолларда маккажўхори орасига беда экишни яхшиси кейинга суриш керак. Маккажўхори кечроқ муддатларда ўриб олинадиган бўлса бедани иккинчи экин тарикасида августа ойида экиш маъқул. Маккажўхори экинини алмашлаб экиш далаларига жойлаштиришда бу ҳол эътиборга олиниши зарур.

Кам ҳосил олиб келаётган ва қолоқ колхозлар учун ернинг мелиоратив ҳолатини ва сув билан таъминланишини яхшилаш катта аҳамиятга эгадир. Зарур бўлган ҳар бир ҳолда зовур шохобчаларини тозалаш ва механизация усулида янги зовурлар қазиш ишларини кўзда тутиш, сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш тадбирларини ўйлаб кўриш, катта коллектор ва зовурларга қўшимча насослар ўрнатиб суғориш учун сизот сувларидан фойдаланишни ҳам эътиборга олиш керак.

II. ТАШКИЛИЙ ТАДБИРЛАР

Экин майдонлари, ишлар ҳажми ва дала ишларини ўтказиш муддатларини эътиборга олиб мавжуд ишчи кучларини бригада, звено ва фермаларга тақсимлаш ва уларга биркитиб қўйиш керак. Аввалги йиллари ишчи кучи етишмаганлиги туфайли узоқдаги бригадалар гўзани ўз вақтида ва нормал парвариш қила олмас эдилар. Шунинг учун бу хилдаги бригадаларни тўлдиришга ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳам юқорида айтилган ҳолларга қараб биркитилиши зарур. Техниканы тақсимлашда қолоқ ва кам ҳосил олиб келаётган колхозларга афзалликлар берилсин. Уларга энг яхши тракторлар ва машиналар ажратилсин, нагрузкалар камайтирилсин, трактор бригадалари малакали механизаторлар билан таъминлансин.

Қонда тариқасида чопиқ тракторлари, улар билан ишлатиладиган машиналар — сеялкалар, культиваторлар билан айрим далачилик бригадаларига бириктириб қўйилсин. Пахта майдонларининг каттакичиклиги ва гўзанинг жойлаштириш схемаларига қараб бригадаларга 1-2 тадан чопиқ трактори бириктирилиши мумкин. Гўза қатор ораларини кўндалангига культивация қилишда ишлатиладиган гилдирак оралиғи 1800 миллиметрли тракторлар айрим ҳолларда бир бригадада нагрузка етарли бўлмаганида икки далачилик бригадасига бириктирилиши ҳам мумкин.

Ҳар бир тракторчининг қайси бригадада чигитни квадрат-уялаб экишини олдиндан аниқлаб қўйилиши ва тракторчининг ўзи чигит экадиган даласи билан яхши танишиб олишига эришиш зарур.

Ер ҳайдашда, дискалашда, чизеллашда, бороналашда ва ер текислаш ишларида фойдаланилаётган гусеницали тракторларни айни шу ишлар даврида далачилик бригадаларига доимий биркитиш мумкин бўлмайди. Бу тракторлар ишини умумколхоз графиги бўйича ҳар бир бригадада навбат билан ишлатиш керак.

Бригадирлар ерни чигит экишга тайёрлашгача тракторлар билан бажариладиган ишлар ҳажмини ва бу ишларни бригада участкаларига қайси вақтларда ўтказилишини аниқ билиши учун ҳайдов тракторлари ҳаракат графикларн бригада бошлиқларига етказилиши зарур. МТСларда етарлик сонда бўлмаган дискали борона, ер текислаш ва бошқа машиналарни колхозлар ўртасида, колхозларда эса далачилик бригадалари ўртасида тўғри тақсимлаш ҳам лозим. Бу машиналар биринчи навбатда ишчи кучлари етарлик бўлмаган колхозларга бириктирилиши керак. Колхозларда кўклам дала ишлари учун зарур бўлган ёнилғини ўз вақтида запас қилиб қўйилиши лозим. Ёнилғини колхоз базасидан далада ишлаётган тракторларга етказиб бериш учун махсус от-улов ва аравакашлар ажратилсин. Уруғлик чигитни ивитиш ва экишга тайёрлаш, жойларга етказиб бериш учун ҳам алоҳида от-улов ажратилсин.

Квадрат-уялаб чигит экадиган кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилсин. Биринчи навбатда тракторчилар ва пахтакорларга чигитни ўлчов симлари тортиб экиш техникаси ўргатилсин. Ўқитиш ва ўргатиш ишлари 10 мартгача тамомлансин. Экиш агрегати аъзолари колхозга қайтиб келганларидан кейин ҳам то чигит ва маккажўхори экиш бошлангунча амалий машғулотни давом эттирсиндар. Колхоз раислари, агрономлар, механиклар, бригада ва звено бошлиқлари ҳам чигитни квадрат-уялаб экишга пухта тайёрланишлари керак.

Шунингдек, дала шийпонларини ҳам ўз вақтида тайёрлаш, уларни колхозчилар ва тракторчиларнинг кеча ва кундуз тура олишларига мослаб жиҳозлаш зарур.

III. ТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Дала ишлари қизитилиб юборилган пайтларда тракторларнинг тўхтаб қолмаслиги учун улар барча зарур нарсалар билан таъмин этилсин.

Кўклам экиш кампанияси давригаги ишларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари — плуг, сеялка, борона ва бошқа машиналарнинг сифатли тайёрланишига боғлиқдир. Ўтган йилларда тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонти сифатига етарли даражада эътибор берилмас эди. Бу йил экиш даврида зарур бўладиган юқоридаги машина асбобларини дала ишларига сифатли тайёрлаш талаб қилинади.

Ҳар бир трактор бригадаси яхши ремонт қилинган ва албатта тирковли бўлган бороналар билан етарли сонда таъмин этилсин. МТСлардаги барча мавжуд бороналар, чизеллар, ер текислаш машиналари ҳатто улар, ишдан чиқди деб, дафтардан ўчирилган бўлса ҳам ремонт қилиниши ва бригадаларга берилиши лозим. Шу билан бирга ерни чигит экиш олдидан ишлаш учун ҳар бир бригадага молалар ҳам бериб қўйилсин.

Ўригадаларга бириктирилган трактор сеялкалари колхозларга олиб келиниши билан дарҳол сошниклари тўғри ўрнатилиши жиҳатидан пухта текширилиши, чигитни тушириш ва кўмишга созланиши лозим. Ҳар бир бригада гўзани жойлаштириш схемасига мувофиқ ўлчов симлари комплектига эга бўлсин.

Апрель ойида ёгингарчиликлардан кейин қаттиқ қатқалоқ ҳосил бўлиши мумкинлигини эътиборга олиб ратацион мотигаларни ва қатқалоқни юмшатадиган бошқа воситаларни тайёрлаб қўйиш керак. Тракторларнинг иш унумини ошириш мақсадида улар махсус графикларга мувофиқ дала шароитида техник қаровдан ўтказиб турилсин.

Бунинг учун ҳар бир МТСда махсус кўчма ремонт мастерскойларини тайёрлаш, уларни техник ходимлар билан тўлдириш ва кам миқдорда бўлса ҳам запас қисмлар ва ҳар хил ремонт материаллари билан таъминлаш зарур. Кўчма авторемонт мастерскойлари кўпи билан икки-уч трактор бригадаларига бириктириб қўйилсин. МТСларда далада ишлатилаётган трактор ва машиналар учун запас қисмлар, деталлар ва ремонт материаллари оборот фондини ташкил этиш лозим.

Трактор ва машиналарнинг бузулиб туриши мумкинлиги ихтимолини назарда тутиб уларни тезда тузатиш учун трактор бригадалари билан доимий деспетчерлик алоқасини йўлга қўйиш, ер ҳайдаш, чигит экиш ва гўза қатор ораларини биринчи ишлаш даврида МТС мастерскойларининг ишини суткалик қилиб ташкил этиш зарур.

* * *

Юқорида айтилиб ўтилган агротехник, ташкилий ва техник тадбирлар комплексини ҳар бир колхоз, совхоз ва МТС бўйича, бўлимлар, далачилик ва трактор бригадалари бўйича ҳам ишлаб чиқиш керак.

Тадбирлар ишлаб чиқилаётганда бошоқли дон ва беда экишни 10-20 мартдан кечикмай тугаллаш зарурлигига асосланмоқ керак. Март ойининг иккинчи ярмида ерларни чигит экишга тайёрлашни бошлаб юбориш, чигит экишни 15-20 апрелгача тугаллаб, барча майдонларда — 1 майгача чигитни тўла ундириб олишни таъминлаш зарур.

Чигитни ернинг табиий намига ундириб олишга эришайлик. Лекин нами қочиб қолган айрим ерларда тупроқнинг ҳолати талаб этгундай бўлса, фурсатни қўлдан бермасдан ҳамда махсус кўрсатмаларни кутиб турмасдан чигит суви беридсин.

Колхоз, совхозлар ва МТСлар гўзани ўз вақтида яганалашни кўзда тутмоқлари ҳамда бегона ўтларни ўсув даврининг дастлабки пайтиданоқ тамомила йўқотиш ва уларнинг кейиндан ўсиб тарқалишига йўл қўймаслик учун 10-15 майларда гўза қатор ораларини дастлабки ишлашни ташкил этишлари лозим.

Экишнинг сифати ва гўзанинг дастлабки ривожланиш даврида парвариш қилиш тадбирларини сифатли ўтказиш пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Гектарнинг тўлиқ бўлишини таъминлашга, гўзанинг дастлабки парвариши ҳамда озиқлантирилишини ўз вақтида ўтказишга ғоят масъулият билан муносабатда бўлишимиз зарур.

Экишга пухта тайёргарлик кўрайлик!

Тошкент районидаги Ленин номли колхоз теплица комбинатида ўстирилаётган бодринг ва помидор ҳосилга кирди. **Суратда:** (чапдан ўнгга) 1. колхоз агрономи ўртоқ **Р. Каримов** помидор ҳосилини кўздан кечирмоқда. 2. колхозчи ўртоқ **М. Ҳайруллаева** бодринг кўчатларига сув пуркаётир.

А. Бобохўжаев фотоси.

Янада юқори ҳосил учун

Шверник номли колхоз аъзолари ўтган йили 60 гектар янги ер ўзлаштириб, умумий пахта майдонини 470 гектарга кенгайтирдилар. Давлатга гектаридан 20 центнердан, яъни 1955 йилдагига қараганда гектар бошига 1,5 центнердан ортиқ пахта топширдилар. Лекин, қўлга киритилган дастлабки бу муваффақият ҳали Мирзачўл районидаги бошқа колхозларнинг аъзолари эришган муваффақиятларига қараганда қониқарли эмас эди. Шунинг учун ҳам азамат пахтакорлар бу йил ҳосилни кескин ошириш мақсадида кўклам тараддудини эрта бошлаб юбордилар.

Ўтган йил кузда ёқ 660 гектар ер сифатли шудгор қилиб қўйилган эди. Бу йил ана шу ернинг 480 гектарига чигит экилади. Ҳозир бригада бошлиқлари, колхозда хизмат қиладиган механизаторлар квадрат-уялаб чигит экиладиган ерларни тўла аниқлаб чиққанлари ҳолда, сим тортиб чигит экиш қоидаларини ҳар тарафлама пухта ўрганмоқдалар.

Колхоз правлениеси мўл ҳосил гарови бўлган маҳаллий ўғит жамғариш ишига алоҳида эътибор бермоқда. Пахтакорлар шу кунгача пахта майдонларига 2210 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқардилар. Ариқ-зовурларни тозалаш, суғориш шоҳобчаларини тартибга солиш ишлари ҳам қизғин давом этаётир. Шунингдек, экиш кампанияси учун зарур бўлган қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳам тўла ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди.

Колхозчилар бу йил ўз зиммаларига олган шарафли мажбурият — ҳар гектардан камида 28 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Ҳ. САГИЗОВ.

Янги совхозларда кўкламги экишга тайёргарликни тезлатиш керак

Оҳангарон районида 2 та йирик сабзавотчилик совхози тузилди. Бундан мақсад областимизнинг саноат марказларидан бўлган Оҳангарон ва Олмалиқ шаҳридаги ишчи ва хизматчиларнинг сабзавот, картошка, мева, гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини таъминлашдир. Совхозлар ташкил этилганига 2 ой бўлиб қолди. Баҳор ҳам етиб келди. Аммо ҳар иккала совхозда ҳам шу кунгача кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари талабга жавоб бермайди. «1-Оҳангарон» совхозида аҳвол айниқса ёмон. Совхоз дирекцияси томонидан бўлимларга экин экиш планлари юборилди. Унда биринчи бўлим 200 гектар сабзавот, 80 гектар картошка, 45 гектар полиз экинлари, 200 гектар шоли, умуман, 700 гектар экин экиши керак, деб кўрсатилди. Бироқ, раҳбарлар томонидан тўғри контроллик ва талабчанлик қилинмаганлиги сабабли бўлим раҳбарларининг айби билан шу вақтгача экин турларига қараб ер ажратилгани йўқ. Эндигина 1000 тонна гўнг чиқарилди, ариқ-зовурларни тозалаш ҳам ўлда-жўлда бўлиб ётибди. 20 та ўрнига энди 3 та парник ўраси тайёрланди. Уруғлик картошка, пиёз, сабзи уруғлари ҳалигача тайёрланмаган. Шуни айтиш керакки, бу бўлим (бошқарувчиси ўртоқ Алибек Қўшоқов) совхозидаги бўлимлар орасида энг олдинда бораётган бўлим ҳисобланади. 2, 3, 4 ва 5-бўлимларда эса аҳвол ундан ҳам ёмон, гўнг чиқариш, ариқ-зовурларни қазиш ишлари ҳалигача бошланмаган.

Ишнинг бундай суст боришига сабаб шуки, совхоз раҳбарлари (директори ўртоқ Кошкин) бўлим ва бригада бошлиқларини ишга тайинлаб қўйдилару, аммо уларга етарли ишчи кучлари ажратиб бермадилар. Совхознинг бошқа бўлимларида ҳам ишга тортилмаган кишилар кўплаб топилади.

Совхозларда трактор ва қишлоқ хўжалик асбоблари ремонти ҳам ниҳоятда қониқарсиз бормоқда. 1-совхозда ҳалигача 37 трактор ва 15 сеялка, кўпгина плуглар ремонтдан чиқарилмаган. Шунинг учун ҳам ер ҳайдаш ишлари бошлаб юборилмаган. Бу ҳол совхозларда кўкламги галла ва эртаги сабзавот экинларини ўз вақтида экишни хавф остида қолдирмоқда.

Совхоз раҳбарлари ишчи кучларини, техникани дала ишларига сафарбар этишга эътиборсизлик билан қараяптилар.

Узоқ фермалардаги молларни емхашак билан таъминлаш ҳам ўзи-бўларчиликка ташлаб қўйилмоқда.

Ўртоқ Ғани Йўлдошев директор бўлган «2-Оҳангарон» совхозида ҳам кўклам экишига тайёрлик ишлари ниҳоятда секин бормоқда. Ҳалигача 19 трактор ремонтдан чиқарилмаган. Далага гўнг чиқариш плани эса энди 6 процент бажарилди, ариқ-зовурларни тозалаш ва парник қуриш ҳалигача бошланмаган.

Оҳангарон районидаги янги совхозларда ишни тезлатиш устидан оператив раҳбарлик қилинмаётир. Совхоз раҳбарлари, қолаверса, район раҳбарлари ана шу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари керак.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

Дала ишлари қизитиб юборилди

Бўка районидаги «Коммунизм» колхозининг аъзолари бу йил ҳам ўтган йилдагидек мўл ҳосил етиштириш учун курашиб, дала ишларини қизитиб юбордилар. Колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорликда ишлаб, барча экин майдонларини кузданёқ шудгор қилиб қўйганлар. Улар маҳаллий ўғит тўплашга алоҳида эътибор бериб, ҳозирга қадар далага 2 минг тоннадан ортиқ гўнг ташиб чиқардилар. Ариқ-зовурларни тозалаш юзасидан белгиланган ишлар ҳам ортиғи билан бажарилди.

Колхозчилар қишлоқ хўжалик илғорларининг республика қурултойида қабул қилинган Мажбуриятга амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил курашмоқдалар. Уларга квадрат-уялаб экиш усули ўргатилмоқда. Бунда илғор бригада ва звено бошлиқлари, механизаторлар, агрономлар янги усул тўғрисида лекциялар ўтказмоқдалар.

Райондаги Вильямс номли колхозда ҳам кўклам экишига тайёргарлик ишлари яхши бормоқда.

К. КУРБОНБОЕВ, С. УСМОНХЎЖАЕВ.

КОНСУЛЬТАЦИЯ

Фосфорли ўғитлардан тўғри фойдаланиш учун тупроқ таркибига қараб иш қилайлик

Илмий муассасалар томонидан ўтказилган кўп йиллик тажрибалар, шунингдек илғор пахтакорларнинг амалий ишлари шуни кўрсатадики, ерга азотли ўғитлар солиш билан бирга, фосфорли ўғитлар ҳам солинганда гўзанинг ривожланиши тезлашиб, ҳосил ошади ва совуққача териб олинадиган пахтанинг миқдори кўпаяди. СоюзНИХИнинг ўғитлаш ва агротупроқшунослик марказий станцияси томонидан Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда ўтказилган тажрибаларда гўза азотли ўғит билан бирга фосфорли ўғит билан ҳам ўғитланганда гектаридан олинган ҳосил фосфор ҳисобига 2,3-4,8 центнерданга ошди. Масалан, бир ҳолда гўза азотнинг ўзи билан ўғитланганда ҳар гектар ҳосили 36,6 центнер, фосфор билан ҳам ўғитланганда эса 41,6 центнер бўлди. Иккинчи ҳолда азотнинг ўзи солинганда 32,3 центнердан, фосфорли ўғит ҳам солинганда эса 35,7 центнердан ҳосил олинди. Ҳар иккала ҳолда ҳам қўшимча олинган ҳосил қиммати ерга солинган фосфорли ўғит қимматидан бир неча баравар ортиқ кетади. Демак, бунда колхоз сўзсиз фойда қилди.

Лекин сўнгги йилларда бир қанча жойларда ўтказилган тажрибалар фосфорли ўғитлар ҳисобига ҳамма вақт қўшимча ҳосил олавериш мумкин эмаслигини ҳам кўрсатди. Бунинг сабаби — тупроқ таркибида ҳам озми-кўмпи ўсимлик ўзлаштира оладиган фосфор запасининг бўлишидир.

Ўсимлик, умуман, ердан ўзига зарур бўлган миқдордагина фосфор кислотаси олади. Бунда у, тупроқ таркибидаги фосфордан ҳам, ерга солинган суперфосфатдаги фосфордан ҳам фойдаланади. Аммо ўсимликдан ортиб қолган фосфор кислотаси ер-га аралашиб кетиб, кейинчалик у тупроқдаги бошқа реакциялар таъсирида сувда эримайдиган, ўсимлик ўзлаштирмайдиган ҳолга келиб, фойдасиз бўлиб қолади. Шунинг учун тупроқ таркибидаги фосфор миқдорини эътиборга олмасдан, ҳар йили ерга кўп миқдорда суперфосфат солинаверса, ўсимлик ўзлаштира олмайдиган фосфор запаси кўпайиб кетади. Бунинг, албатта, фойдаси йўқ.

Марказий ўғитлаш ва тупроқшунослик станцияси тупроқ таркибидаги фосфатлар миқдорига қараб фосфорли ўғитларни ишлатишда турли нормаларнинг ғўзага таъсирини аниқлаш юзасидан 1954 йилда Янгийўл районидаги Свердлов номли колхозда тажрибалар ўтказди. Станция тажриба натижаларига асосланиб, Янгийўл 2-МТС агрохимлабораторияси билан биргаликда Свердлов номли колхоз ерларининг махсус тупроқ-ўғитлаш картасини тузиб берди. Бунда ҳар қаернинг тупроқ таркибидаги фосфор миқдорига қараб суперфосфат солиш нормалари белгиланган эди. Колхозда 1955 йилда фосфорли ўғитлардан фойдаланишда шу картада тавсия этилган нормаларга амал қилинди. Бунинг натижасида 130 тонна суперфосфат тежалиб қолиши билан бирга пахтадан мўл ҳосил олиш ҳам мумкин бўлди.

Свердлов номли колхоз ўтган йили ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, давлат пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарди. Бунда тупроқ шароитига мувофиқ фосфорли ўғитлардан фойдаланиш жиддий роль ўйнади. Колхоз суперфосфатни анча тежаб қолиши билан, ишлаб чиқариш харажатларини, демак, пахтанинг таннархини бирмунча камайтиришга эришди.

1956 йилда шу райондаги «XIX партсъезд» колхозининг ерлари ҳам текширилди. Натижада колхозда умумий пахта ва бошқа сугориладиган 164,5 гектар ернинг ҳар бир килограмм тупроғида 30-60 миллиграммгача фосфор кислотаси борлиги аниқланди. Демак, бу ерлар ўсимлик ўзлаштира оладиган фосфор кислотаси билан ўртача таъминланган. 398 гектар ернинг ҳар бир килограмм тупроғида фосфор кислотаси 30 миллиграммча бўлиб чиқди. Ҳар бир килограмм тупроғида фосфор кислотаси 60 миллиграммдан ошиқ бўлган, яъни тўла таъминланган ерлар 250 гектарни ташкил этди. Ана шу текшириш натижаларига асосланиб, «XIX партсъезд» колхозининг ҳар бир килограмм тупроғида 60 миллиграммдан ортиқ, ўсимлик ўзлаштира оладиган фосфор кислотаси бўлган ерларига суперфосфат солинмаслик тавсия этилди. Ҳар бир килограмм тупроқда фосфор кислотаси 30-60 миллиграмм атрофида бўлса, суперфосфатни, ўғитлаш инструкциясида кўрсатилган норманинг ярмиси миқдорида ва фосфор кислотаси кам участкаларга суперфосфатни тўла норма миқдорида солишга маслаҳат берилди.

Бу йил «XIX партсъезд» колхозида ҳам суперфосфатдан фойдаланишда тупроқнинг таркибига қараб иш қилинади. Шубҳа йўққи, тупроқнинг таркибига қараб ундаги озиқ моддалар миқдорини тартиблаш бу колхозда ҳам ҳосилни оширишга ёрдам беради.

МТСлар ҳамда деҳқончилик маданияти уйларидаги агрохимлабораторияларнинг ёрдами билан ҳар бир колхозда ҳам агро-ўғитлаш карталари тузиб, ўғитлардан тўғри ва тежамли фойдаланиш мумкин.

Т. АЗИЗОВ,
СоюзНИХИнинг илмий ходими.

БУНДАН ЮЗ ЙИЛ ИЛГАРИ

Рассом П. М Кошаровнинг саёҳати

Бундан юз йил илгари — 1857 йилда рассом Павел Михайлович Кошаров Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат қилган эди. Бадиий академияни тамомлаган П. М. Кошаров даставвал гимназиянинг расм ўқитувчиси деган номга эга бўлди, кейинчалик эса гимназия рассоми номини олди. «Сибирнинг кўриниши» расмини ишлаш мақсадида рассом Томск шаҳрига жўнаб кетади ва шу ердаги гимназияда расм ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 1857 йилда машҳур саёҳатчи П. П. Семёнов П. М. Кошаровни ўзи билан бирга Тянь-Шанга саёҳат қилишга таклиф этади. Шундан сўнг рассом Семипалатинскга қараб жўнайди ва у ерда Семёнов билан учрашиб, у билан биргаликда экспедицияга жўнаб кетади.

1857 йилги экспедиция вақтида П. М. Кошаров жуда кўп расмлар ишлайди, турли этюдлар яратади. Жумладан, Олтой, Ўрта Осиё, Тянь-Шань, Хон-Тангри ва Марказий Осиёнинг табиат манзараларини суратга олади. Ана шу саёҳат давомида Кошаров «Баринцлар қабиласидан бўлган Ёввойи-тош қирғизларининг этнографик альбоми, аслидан ишланган картаси билан бирга...» деган этнографик альбом тузди, шунингдек 2 та дафтарга ишланган ажойиб зарисовкалар яратди. Бу зарисовкаларнинг бири «Ёввойи-тош ва Катта Урда қирғизларининг кийим-бошлари, қуроллари ва бошқа буюмларининг этнографик тасвири» деб аталади, иккинчиси эса «Ёввойи-тош ва Катта Урда қирғизларининг, тошкентлик, қашқарлик ва хитойлик қалмиқларнинг типлари» деб номланган-дир.

П. М. Кошаровнинг расмлари рус этнография виставкасида намойиш қилиб кўрсатилди. Ўрта Осиё манзаралари тасвирланган расмлар альбоми учун Кошаровга бронза медали берилди.

П. П. Семёнов рассом Кошаровнинг фаолиятига жуда юксак баҳо берган эди.

Кошаровнинг Ўрта Осиё ҳақидаги асарлари Ленинграддаги Бутуниттифоқ география жамияти архивида сақланаётир.

Музейда янги экспозиция

Табиий-илмий билимларни пропаганда қилувчи республика музейи яқинда «Ибтидоий жамиятда диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши» деган тема асосида ишланган янги экспозициясини очди.

Экспозицияни ташкил этган 3 стендга ибтидоий жамиятда яшаган одамлар ҳаётини акс эттирувчи 30 дан ортиқ экспонат, акварель ва фото-монтажлар қўйилган.

Муляжларда эса қадимги замон одамларининг ишлаб чиқариш фаолиятини белгиловчи ёғоч, тош ва бошқа буюмлардан ясалган меҳнат қуроллари намойиш қилинмоқда. Шу билан бирга, ибтидоий жамиятда иқтисодий ривожланиш даражаси паст бўлганлиги, табиат кучларига қарши курашда у давр одамларининг ниҳоятда ожизлик қилганлиги, шу каби факторлар диний эътиқодларнинг одамлар онгида акс этишига сабаб бўлганлиги экспозицияда ёритилгандир.

Музейга келган экскурсантларни, айниқса, «Фан ва дин» бўлимидаги экспозицияга қўйилган янги материаллар кўпроқ қизиқтирмоқда. Бу ерга Пекин шаҳри яқинидаги қишлоқдан топилган, бундан қарийб миллион йиллар илгари яшаган синантроп маймунсимон одамнинг бюсти қўйилган.

Бундан ташқари, бу бўлимда Дарвин таълимоти асосида тузилган, жонли табиатнинг тараққиёти ва одамларнинг жониворлардан келиб чиқиши тўғрисидаги схема ва бошқа қизиқарли материаллар ҳам бор.

М. АБРОРОВ.

Ўртасарой районидаги 13-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчилари физика кабинетида физика фани бўйича практик машғулот ўтказиб турадилар. **Суратда:** (чап дан) **Нам Петр, Ем Иннокентий, Пак Нина, Нам Надежда** ўртоқ лар машғулот пайтида.

Хе Черсан фотоси.

ВЕНГРИЯ СОЦИАЛИСТИК ИШЧИ ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУДАПЕШТ, 28 февраль. (ТАСС). Бугун «Непсабадшаг» газетаси эълон қилган расмий ахборотда бундай дейилади: 26 февралда Венгрия Социалистик ишчи партияси муваққат Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум Янош Кадарнинг «Актуал масалалар ва вазифалар» тўғрисидаги докладини ва Карой Кишшнинг «Ташкилий ва персонал масалалар» тўғрисидаги докладини эшитди. Музокараларда 17 киши сўзга чиқди. Марказий Комитет кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

* * *

Венгрия Социалистик ишчи партияси муваққат Марказий Комитетининг Марказий Комитетнинг актуал масалалар ва вазифалар тўғрисидаги қарорида таъкид қилинадики, контрреволюцион кучларга қарши олиб борилган қатъий кураш давомида, партиянинг декабрь қарорини бажариш натижасида сиёсий, иқтисодий ва маданий турмуш соҳасида, шунингдек партия ва оммавий ташкилотларни ривожлантириш ишида катта муваффақиятларга эришилган.

Қарор олти бўлимдан иборат: партия қурилиши, социализм кучларини жипслаштириш, давлат аппаратининг ва давлат ҳокимият органларининг иши, ҳўжалик иши, ижтимоий-оммавий иш, партиянинг халқаро алоқалари.

«Непсабадшаг» газетаси пленумнинг ташкилий масалалар юзасидан қабул қилган қарорини ҳам эълон қилмоқда.

Бу қарорда айтилишича, Марказий Комитет партиянинг раҳбар органларини мустаҳкамлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Муқавват Марказий Комитет аъзолари 14 кишига ижроия комитет аъзолари икки кишига кўпайтирилган. Ижроия комитет ҳузурида маълум иш доираси билан беш кишидан иборат секретариат ҳамда беш кишидан иборат Марказий контроль комиссияси тузилган.

Ҳозирги вақтда Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Марказий Комитетида 37 аъзо бор. Венгрия Социалистик ишчи партиясининг ижроия комитети Антал Апро, Бела Биску, Лайош Фехер, Янош Кадар, Дьюла Каллаи, Карой Кишш, Дьердь Марошан, Ференц Мюнних, Шандор Ронаи, Миклош Шомодилардан иборат составда сайланди.

Секретариатнинг аъзолари: Марказий Комитет раиси Янош Кадар, Марказий Комитет секретарлари — Йене Фок, Дьюла Каллаи, Карой Кишш, Дьердь Марошанлардан иборатдир.

Венгрия революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг состави кенгайтирилди

БУДАПЕШТ, 28 февраль. (ТАСС). Бугун бу ерда қуйидаги расмий ахборот эълон қилинди:

Венгрия Халқ Республикасининг президиуми доктор Ференц Мюнних Венгрия революцион Ишчи-Деҳқон ҳукумати Раисининг Биринчи ўринбосари қилиб, Вела Бискуни ички ишлар министри қилиб, доктор Фридеш Долешални соғлиқни сақлаш министри қилиб, Дюла Каллаини маданият министри қилиб ва Геза Ревесни мудофаа министри қилиб тайинлади.

Венгрия Халқ Республикаси президиуми Давлат кенгашининг раиси Шандор Ронаини Венгрия Революцион Ишчи-Деҳқон ҳукуматининг аъзоси вазифасидан озод қилди.

Ҳукуматнинг янги аъзолари бугун қасамёд қилдилар.

Бирма депутатлар палатаси У Нуни бош министр қилиб сайлади

ПЕКИН, 28 февраль (ТАСС). Синьхуа агентлиги мухбирининг Рангундан хабар қилишича, Бирма депутатлар палатаси бугун У Нуни янги бош министр қилиб сайлади.

Бирма конституциясига мувофиқ, Бирма Иттифоқининг президенти бош министрни депутатлар палатасининг таклифи билан тайинлайди.

ЯПОНИЯ БОШ МИНИСТРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ТОКИО, 28 февраль (ТАСС). Япония бош министри Киси бугун чет эл журналистлари учун матбуот конференцияси ўтказди.

Киси ўзига берилган саволга жавоб қайтариб айтдики, у парламент сессияси тамом бўлгандан кейин бир қанча мамлакатларга, шу жумладан Қўшма Штатларга боришни истайди. Киси Америка Қўшма Штатларида ҳукумат раҳбарлари билан Япония — Америка муносабатлари проблемасини муҳокама қилишни мўлжаллайди.

Киси Япония — Америка хавфсизлик пакти ва маъмурий битим масаласига тўхталиб айтдики, бу пакт ва битим Япония халқининг истак орзусига мувофиқ пировардида тугатилиши лозим.

Социалистик лагерь мамлакатлари билан савдо-сотиқнинг чеклаб қўйилганлиги тўғрисида гапириб Киси таъкидладики, бу чеклашларнинг сусайтирилиши ва барча мамлакатлар билан, айниқса Хитой билан савдо-сотиқнинг кенгайтирилиши Япония учун ғоят муҳимдир. Ҳозир, Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатлар ўрнатилгандан кейин, деди Киси, Япония-Совет савдосини кенгайтириш масаласи турибди.

Япония жамоатчилиги совет денгизчиларига ташаккур билдирмоқда

ТОКИО, 28 февраль (ТАСС). Япония жамоатчилиги Япониянинг Антарктика музлари орасида қолиб кетган «Сойя» кемасига ёрдам бериш учун совет «Об» дизель электроходининг сафарига ғоят қизиқиб қарамоқда. Япон газеталари совет «Об» кемаси тўғрисида фотосуратлар ва муфассал ахборотлар ҳамда мақолалар босиб чиқармоқдалар. Бу ахборот ва мақолаларда япон денгизчиларига ёрдам кўрсатиш учун тайёр турган совет кишиларига ташаккур изҳор қилинади. Маҳаллий радиостанциялар Япония кемасининг аҳволи тўғрисида ва «Об» кемасининг унга қараб бораётганлиги тўғрисида мунтазам суратда хабар бериб турмоқдалар.

Областимизда



Мирзачўл. Бундан уч ой муқаддам бўм-бўш чўл бўлган бу ерда ҳозир 3-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиларининг поселкаси қад кўтарди. Ҳар бир уйга электр симлари тортилди, радио карнайлари ўрнатилди, водопровод қувирларини ўтказиш давом этмоқда. Янги ерликлар ўз посёлкаларини кўкаламзорлаштиришга тайёргарлик кўрмоқдалар. **Суратда:** янги ишчилар поселкасининг марказий кўчаси.

Р. Исаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

МИРЗАЧЎЛДАГИ КУЧЛИ ШАМОЛЛАРНИ УРГАНИШГА БАҒИШЛАНГАН ЭКСПЕДИЦИЯ

Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши натижасида у ерда кўпгина саноат марказлари, колхоз ва совхозлар, юқори вольтли электр қувватини узоқ масофаларга узатиб берувчи линиялар, янги иншоотлар вужудга келади. Бундай тадбирларни амалга ошириш Мирзачўлнинг иқлими ва об-ҳавосига тегишли маълумотларни, биринчи галда шамол тўғрисидаги маълумотни аниқ билишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам Мирзачўл шамол режимини ўрганиш катта халқ хўжалиги аҳамиятига эгадир. Айниқса, Ўрсатьевск-Бекобод, Обручево ва Мирзачўлнинг ғарби-шимолига жойлашган районларда бўлиб турадиган кучли шамолларни ўрганиш ва текшириш актуал проблемалардан биридир. Бу районларда шамолнинг тезлиги секундига 20-30 метрга етади. Мирзачўлнинг шарқи-жанубий районларида бўладиган шундай кучли шамолларнинг тарқалиш зонасини аниқлаш ва текшириш мақсадида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг В. И. Романовский номидаги математика ва механика институти Тошкент илмий-текшириш геофизик обсерваторияси, Ўзбекистон гидрометеорологик Бошқармаси ва В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети билан биргаликда Мирзачўлга экспедиция ташкил этди. Физика-математика фанлари кандидати Ўртоқ Б. А. Айзенштадт бошчилигидаги бу экспедиция кузатув ишларини бошлаб юборди.

Шамолни текшириш ва ўрганиш билан бир қаторда матеорологик элементлар ҳам комплекс равишда ўрганилади. Улар кучли шамол эсиб турган вақтда метеорологик шароитнинг қандай бўлишини тўлиқ ёритиб боради.

Атмосферанинг юқори қатламлари шар ва радиозондлар ёрдами билан текширилади.

Экспедицияга студент ва геофизик мутахассислардан 100 га яқин киши иштирок этмоқда.

Ф. МЎМИНОВ.

ҚИШЛОҚДА МУЗИКА ҲАҚИДА ЛЕКЦИЯ

Сирдарё район маданият бўлими қишлоқ меҳнаткашлари учун мамлакатимиз халқлари музикаси темасида, машҳур рус композиторларининг ижодлари ҳақида лекциялар уюштирмоқда. Яқинда район кинотеатри биносида «Дунаевский қўшиқлари» деган лекция-концерт ўтказилди. Тошкент давлат консерваториясининг доценти Караульский оғоқли совет композитори, қувноқ қўшиқлар автори Дунаевскийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида лекция ўқиди.

Лекция-концертда Дунаевскийнинг «Қувноқ болалар» ва бошқа фильмларга ёзган қўшиқлари ва куйлари ижро этилди.

Шунингдек, районда «Чайковский» деган темада лекция-концерт ўтказилди. Лекциядан кейин улуғ рус композитори Петр Ильич Чайковскийнинг «Пиковая дама», «Иоланте» ва бошқа операларидан айрим парчалар, шунингдек романс ва симфоник асарлари ижро этилди.

Х. ЭШТУХТАРОВ, Ш. САФАРОВ.

ИЛҒОР КОМСОМОЛ-ЁШЛАР БРИГАДАСИ

Ўртоқ Шемпель бошлиқ бўлган комсомол-ёшлар бригадасининг аъзолари ўзларининг ажойиб меҳнатлари билан «Алмаликстрой» трестига қарашли 4-қурилиш бошқармаси коллективининг ҳурматига сазовар бўлмоқдалар. Бригаданинг ватанпарвар аъзолари 1956 йил топшириғини муддатидан илгари бажарган эдилар. Бригадада ўтган йили ўқиш ташкил қилинди, натижада бригада аъзоларининг ҳаммаси ҳам иккиуч касбни эгаллаб олди. Бу эса уларга меҳнат унумдорлигини тинмай ошириш ва маҳсулот таннархини кескин даражада камайтиришга эришиш имконини берди.

Меҳнатда ажойиб кўрсаткичларга эришган илғор бригада аъзолари меҳнат унумдорлигини ҳар қачонгидан ҳам ошириш учун курашмоқдалар. Улар маҳаллий Советларга сайлов кунини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

Н. ГОРОДНИЧЕНКО.

ТИКУВЧИЛАРНИНГ АҲДИ

Чирчиқ тикувчилик фабрикасида январь ойи плани маҳсулотнинг барча турлари бўйича ортиғи билан бажарилиб, 370 минг сўмлик қўшимча маҳсулот етказиб берилган эди.

Фабрика коллективи февраль ойида ҳам иш суръатини сира пасайтирмай, астойдил меҳнат қилди.

Айниқса, ўртоқ Л. Г. Хоменко бошлиқ 3-тикувчилик цехи ишчиларининг қўлга киритаётган ютуқлари диққатга сазовордир.

Цехдаги 150 ишчидан ишлаб чиқариш нормасини бажармаётган бирорта ҳам тикувчи йўқ. Смена топшириқларини доим 1,5-2 ҳисса қилиб бажараётган Александра Ковилина, З. Асанова, Мария Гнатушченко ва Сахонова каби тикувчи-мотористларнинг номи коллектив ўртасида ҳурмат билан тилга олинади.

Фабрика ишчилари шонли Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун меҳнат унумдорлигини янада оширишга, 1957 йил I квартал планини муддатидан олдин бажаришга аҳд қилганлар.

М. АҲМЕДОВ.

БОЛАЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Янгийўлдаги консерва заводига қарашли болалар боғчасида меҳнаткашларнинг фарзандларини тарбия қилиш ишларига катта эътибор берилянти. Болалар учун турли ўйинчоқлар, уларнинг вақтларини сермазмун ўтказишга ёрдам берадиган бошқа турли асбоблар олиб берилган. Болалар томонидан тайёрланган ўйинчоқлар, альбомлар, суратлар кишини қувонтиради. Улар мустақил равишда ҳайвонларнинг, автомашина ва уйларнинг шаклларини усталик билан чизиб, ўзларининг меҳнатга муҳаббат руҳида тарбияланаётганликларини намойиш қилганлар.

Р. СОБИТОВ.

«Художник Узбекистана» артелида ҳар йили кўплаб ёшлар ҳунар ўрганиб, юқори малакали мутахассис бўлиб етишмоқдалар. **Суратда:** шогирдликдан уста безакчилик даражасига етишиб чиққан ёш, илғор комсомоллардан **А. Шумсавалиева, Т. Алимжонов, М. Нигъзова** ўртоқлар ишлаб чиқаришда ўзлаштириладиган янги нусҳани муҳокама қилмоқдалар.

Ф. Осипов фотоси.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

Хитой санъатидан лавҳалар

Хитой санъати инсоният тарихида жуда қадим замонлардан бери ғоғор ўринларидан бирини ишғол қилиб келади. Хитой халқининг ижодий генийси, айниқса, қўл-ҳунармандчилик санъати соҳасида ажойиб асарлар яратди ва бой мерос қолдирди. Нафислиги ва гўзаллиги билан дунё наққошларининг зўр эътиборига сазовор бўлган машҳур хитой чинниларини, нефрит ва бронзадан ясалган асбоблар, юксак бадиий дид билан сирланган ва лакланган буюмлар — хитой халқининг оддий ҳунармандчилик касбини чинакам санъат даражасига кўтара олганидан далолат беради.

Хитой ва Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида Тошкентдаги Ўзбекистон давлат санъати музейида хитой декоратив санъатига бағишланган каттагина виставка ташкил этилди. Бу ерга қўйилган экспонатлар хитой санъаткорларининг асрлар давомида тобора камолатга эриша борган ижодий кучини акс эттиради. Виставкада узоқ ўтмишнинг ажойиб ёдгорликлари, шунингдек ҳозирги замон санъаткорларининг ижоди билан танишиш мумкин.

Музейнинг 19-залига хитой керамикасидан бой намуналар қўйилган. Маълумки, санъатнинг бу соҳасида хитой халқи дунё маданияти ҳазинасига улкан ҳисса қўшган. Қадим замонлардаёқ хитой керамикаси ҳақли суратда жаҳонга донг таратган эди. Бундан бир неча юз йиллар муқаддам Хитой Россияга, кўпгина ғарб ва шарқ мамлакатларига чинни буюмлар сотган.

X асрда Хитойда чинни ишлаб чиқариш айниқса, равнақ топди. Ўша даврда Хитойда хилма-хил сопол ва чинни буюмлар ишланарди. Нафис нақшлар билан безалган монументал вазалар, чойнак-пиёла ва декоратив идишлар, оригинал ҳайкалчалар ва бошқа буюмлардан кўз қамашади. Виставкага тўпланган чинни буюмлар шаклларининг ғоят нафислиги, безакларига ишлатилган бўёқларининг ёрқинлиги ва декоратив мотивларнинг кўркамлиги билан ажралиб туради. Экспонатлар орасида жилваланиб турган чойнак-пиёла, қандиллар, пейзаж билан безалган тарелкалар, маълум даврга хос эртаклардан олинган персонажларнинг расми солинган бошқа буюмлар ниҳоятда маҳорат билан ишланганлиги, зукколик билан безалганидан беихтиёр томошабин диққатини жалб этади.

Хитойнинг чинни идишлар ишлаб чиқариш соҳасидаги санъати Европа мамлакатларидаги кулолчиликда кенг қўлланилди.

Виставкага қўйилган турли-туман буюм ва безак асбоблари ичида «Цоплл Хао» номли тутотқи идиш (Гуонь Сюй даври, 1873-1908 йиллар) ва бронзадан ишланган, қизил лак билан безатилган гулдор нақшли ваза (Кан Си даври, 1662-1726 йиллар) узоқ эсда қолади.

Клуазонна деб аталган тўсиқ эмалидан буюмлар ясаш хитой ҳунармандчилигида катта ўринни ишғол қилади. Санъатнинг бу тури Мин династияси даври (1388-1644 йиллар)да жуда кенг тарқалган эди. Тантанали маросимлар учун ясалган курительник (тутотқи идиш) XIX асрда яратилган бўлиб, нақшлари ғоят жимжимадор, ишланиши жуда нафисдир. Хитой усталари яратган буюмларда чуқур миллий хусусият, хитой санъаткорларига хос бадиий услуб ва юксак маҳорат яққол акс этиб туради.

Буюм ва идишларни сирлаш осон иш эмас: бронза, мис ёки жездан қилинган буюмлар юпқа жез парда-си билан қопланади, у ер-бу ерда очиқ қолган жойлар турли рангларда билан сирланади. Ана шундай ажойиб нақш бериб ясалган буюмга беихтиёр катта ҳайрат ва чуқур ҳурмат билан боқасан киши.

Хитойда ўймакорлик санъати ҳам ғоят ривожланиб, камолатга етган ҳунарлардан биридир. У ерда ўймакорликка бўндан бир неча юз йиллар муқаддам асос солинган. Масалан, Тан даври (VII-IX асрлар охирида) яратилган Будда ҳайкали ўймакорлик санъатининг энг қадимги намуналаридан биридир. Афеонс ва жос темасига бағишлаб яратилган ҳайкалчалар ўймакорлик санъатининг ажойиб намуналаридир.

Талантли хитой санъаткорлари қизил дарахтдан, чўяндай оғир қора дарахтдан, хушбўй сандал дарахти ва пальмадан хилма-хил буюмлар ўйиб ишлайдилар, столчалар ясаб, унинг бетига фил суягидан ҳотамкорлик усули билан жимжимадор нақш берадилар.

Виставкага қўйилган экспонатлар орасида талайгина юксак бадиий дид билан ишланган уникал санъат асарлари бор. Терма дарахтдан ясалган столча шулардан бири. Ниҳоятда моҳирлик билан берилган мураккаб гулчин нақш кўзни қамаштиради. Дарахтдан ўймакорлик усули билан ясалган буюмлар орасида XIX аср иши — кровать ва комфор дарахтидан ишланган сандиқ диққатга сазовор.

Скульптура ва нафис ўймакорлик ишлари баъзан бутун-бутун фасадлар ва коюте қасрларнинг пештоқини безайди. Вертикал ёки горизонтал қилиб ўралган шоҳи ёки қоғоз бетига солинган хитой расмлари маълум ва машҳурдир. Бу асарларда атрофимизни ўраб олган ташқи дунёнинг турли-туманлиги ва кўп қирралилиги акс этган. Хитой санъаткорлари хилма-хил ҳаёт лавҳаларини тасвирлар экканлар, шу воқиадан олган чуқур таассуротларини мумкин қадар томошабинга етказиш учун интиладилар. Бу картиналарнинг асосий сюжетини ташкил этган пейзаж ва тарихий ривоятлар туш билан, ўсимлик ёки минерал бўёқлар билан ишланган. Бу асарлар европаликларни ғоят гўзаллиги ва ишланиш аниқлиги билан танг қолдирган эди.

Бугунги Хитойда миллионларча меҳнаткашлар оммага тушунарли бўлган ва уларнинг сермазмун ҳаётини акс эттирувчи янги маданият, янги санъат туғилиб ўсмоқда. Хитой тарихида ҳеч қачон бадиий асарларнинг асосий қаҳрамонлари сифатида ишчи, деҳқон ва солдатлар тасвирланмаган эдилар. Эндиликда эса бунинг тамомила акси. Бугунги хитой тасвирий санъати ва графикаси асарларида Хитой ҳаётидаги муҳим воқиаларни кўришимиз мумкин.

Расм, гравюра, плакат ва лубоклар чизишда рассомлар халқ санъатига таянадилар. Бу ҳол бўёқлардан фойдаланишда ва асарнинг ўзига хос композициясида яққол сезилиб туради, халқчиллиги, реалистик интилишлари билан кучли таассурот қолдиради. Санъаткор Хэ Пиннинг реалистик услубда ишланган ва виставкага қўйилган картиналари томошабинда маълум қизиқиш уйғотади.

Виставканинг махсус бўлими жимжимадор гуллар солиб тўқилган, бежирим хитой кашталарига бағишланган. Бу ерда қоғоздан қирқилган ва биноларнинг безаги учун ишлатиладиган безаклар ҳам бор. Улар фанзаларнинг деразасига, фонарларга ёпиштирилади.

Ўзбекистон ССР давлат санъат музейининг хитой санъатига бағишланган зали томошабинда дўст хитой халқининг маданиятига зўр қизиқиш уйғотади. Музей ходимлари хитой санъатини тарғиб қилишга ҳар тарафлама ҳаракат қилмоқдалар. Музейнинг сайёр виставкаси экспонатлари ичида рус ва Ғарбий Европа санъати асарлари билан бир қаторида, бугунги хитой ҳаётининг турли томонларини акс эттирувчи плакатлар комплекти бор. Сайёр виставка республикамизнинг қатор районларида ташкил этилди.

Пировардида музейнинг ҳозирги замон хитой санъатига бағишланган бўлими у қадар мукаммал эмаслигини очиниб қайд этишга тўғри келади. Тўғри, музей яқин орада бу бўлимни хитой чинни асбоблари билан тўлдиради. Бироқ, бу ҳали оз.

Виставкада намойиш қилинган асарлар хитой санъаткорларининг юксак маҳорати, бой традицияларидан ва келажакда хитой маданиятини ривожлантиришга бўлган катта имкониятлардан далолат беради.

И. МАНГУТОВА.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Қароқчилар**, 3/III да кундуз ва кечқурун **Аломат ҳодиса.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Марварид қидирувчилар**, 3/III да кундуз **Қизил гул** (Аленький цветочек), кечқурун **Пиковая дама.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 2/III да **Фарҳод ва Ширин**, 3/III да кундуз **Фарҳод ва Ширин**, кечқурун **Азиз ва Санам.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Етти қувноқ» қизиқчилар группасининг гастроллари, чавандозлар, дорбозлар** ва бошқа номерлар. Томоша кеч соат 8 да бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да).

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

ЧКАЛОВ ФИЛАРМОНИЯСИ ТАТАР ДРАМА АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

2 ва 5 мартда

М. Файзий музикали драмаси

АДАШГАН ҚЎНГИЛ.

3 мартда

Х. Ибрагимов музикали комедияси

БОШМОҒИМ.

4 мартда

М. Амир музикали комедияси

ТУН ОЧУВИ.

Спектакль кеч соат 9 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» — кенг экранли фильмлар — кундуз **Пролог**, кечқурун: 1) **«Товарищ»** денгизга чиқади, 2) **Бахтиёр ёшлик.**

«ИСКРА» — кундуз ва кечқурун **Мисс менд** (1 ва 2-залда 3-серия, 3-залда 1 ва 2-серия).

«ЕШ ГВАРДИЯ»— кундуз соат 12 гача **Павел Корчагин**, кундуз соат 2 дан **Энг гўзал.**

«УЗБЕКИСТОН» — кундуз соат 1 ва 3 да **Павел Корчагин**, қолган сеансларда **Оқ кийимли кишилар.**

РЕСПУБЛИКА ВА ОБЛАСТЬ

газета ва журналларига

1957 йилнинг 2-квартали учун

обуна қилиш давом этмоқда

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа конторалари ва бўлимларида, Тошкент почтамтида (иш соатларида). «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида соат 9 дан 19 гача (дам олиш кунларида эса соат 9 дан 18 гача), фабрика, завод, колхоз, совхоз, МТС, ўқув юртлари ва муассасалардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 132, Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132 Хатлар бўлими — 34048. Маҳаллий ахборот бўлими 135. Секретариат — 34048. Эълонлар бўлими — 38142.

Р. 01058. «Қизил Ўзбекистон», «Правда», Востока» ва Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. № 1751.